

R 455

1967/11


ОБЩЕСТВЕННАЯ



4

Caogat

1967 · 11



ГЭС гурлайди
тоғлар бағрига
Сочилар лаъл ҳисобсиз чироқ,
Ҳар рўзгорга, шоир шеърига
Машғал бўлиб қиради Чорвоқ.

Ҳамид ҒУЛОМ.

Рассом Л. Михайлова ишлаган линогравюра.



R 455

Саогат

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК
ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИНИНГ ЖУРНАЛИ

НОЯБРЬ № 11 (206) 1967

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ОИДА БИР ЧИҚАДИГАН
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, АДАБИЙ-БАДИИЙ ЖУРНАЛИ

Э Р К Қ Ў Ш И Ф И



МИРТЕМИР

Давра кенг, гурунг баравж бугун бахт баргоҳида,
Ленин, Крупская икковин ҳам ўрашиб,
Ўтиришар тўп аёл доҳийси даргоҳида,
Дилда неки чигал бор битта-битта сўзлашиб.
Тўп аёл, кўзларида Шарққа хос мунг, асрий мунг,
Дурралик ё дўшники, чимматлик ё лачаклик.
Сипо ва онг-тонг, бироқ тўкис чечан, эмас гунг,
Бугун сезилмас сал ҳам жайрондаги хурраклик.
Тўп аёл: Зухрабону, Омонгул, Сўна, Ойхол,
Шарқда бундоқ ғамдийда аёл беҳисоб нақ қум.
Умри молдай беқадр, умрлар бевақт завол,
Қисмати зил тош ҳануз кунлари заҳар-заққум.
Ҳар қайсининг ҳаёти бир китобки ҳикматлик,
Ўзи учун кишандек сочлари қулоч-қулоч.
Эй, сен аёл ёмиши, тоғ бардош ва даҳшатлик,
Жовдироқ кўзларида дардлар аён бетилмоч.

Ўриндан турар Ойхол: «Ёзда таппи уяман,
Елкамда дўппи, кашта, кетмон, ўроқ ва чопиқ.
Ўчоқбоши, ўтин, сув, оқшом кели туяман,
Тепки, дашином канда-мас. Эшиклар ҳамон ёниқ.»
Бу гал туради секин саҳро қизи Оқмарол,
Юз очиқ, учқун сочар қийиқ кўзлар нақ юлдуз:
«Яйловим Қарқарали, Манғиллоқ, мовий орол,
Торбўғатой, Олатов, белоён қум, олис туз.
Сут соғиш, туй боқиш — бари келар қўлимдан,
Бўронларда кун ўтар ёшван, қамши орқалаб,
Қисқа умрим йўлида хатар бор юз ўлимдан,
Бош эгиб кун санайман қўл ва дарё ёқалаб».
Сўз бошлар судув жувон, туркман қизи Омонгул:
«Шу балолар устига тагин гилам тўқийман.
Қизил бош боқинида неча-неча қолдим тул,
Бўғилсам, Маҳтумқули ўланлари ўқийман».
Иссиққўл бўйларидан Жийдаш номлик жонон дер:
«Қирғиз қизи ҳам шундоқ, эркака сувсоқ ҳали ҳам.
Отасан, кел, оталик кенгагининг тўкис бер,
Токи шарқлик аёл ҳам дунёда бўлмасин кам».


Ажабо, — ўйлар Ленин, — сиз-ку ҳаёт ганжисиз,
Сизни ўйлаб қочганди уйқум неча-нечалар.

Ҳа, ҳа, сиз шўрлик Шарқнинг дилидаги ранжисиз.
Эсимда «Боғчасарой», ўша «Минг бир кеча».
Русияда, эҳтимол, Шарқдан баттарроқ дилхун,
Оналик гурури, ҳей, поймолсан ҳар гўшада.
Эркак зоти, беаёл яшаб кўрчи тоғ бир кун,
Ҳар гўшада ёмиши ўша, ўша, ўша-да.
Эсида она шўрлик, мунис-у ёввошлиги,
Қаддининг дутолиги, меҳрининг дарёлиги.
Эсида Надясининг дилбанд-у йўлдошлиги,
Малакдай зеболлиги, ҳамниша ҳаёлиги.
Эй, ҳаётнинг қувончи, эй оламнинг таянчи,
Эй, нишқ-у меҳр ганжи, эй сиз момо ҳаволар.
Наҳот саловий кўркака соя солса паранжи,
Аламдийда, жафокаш, бечора, бенаволар...
Ҳолбуки, қаршиниғида арзир жаҳон эгса бош,
Не жаҳон, бош эгинлар ўтмиш, ҳозир, ер ва кўк.
Алми ё пайғамбарин — инсон бари эмукдош,
Койнот, шу оналар ҳурматиға, кел, тиз чўк!
О, сен аёл қисмати, эркисизлик қийноғида,
Шарқнинг ўзидай забун, уринчоқ ва куйинчоқ.
Қолмагайсан оҳ уриб зах зиндон тирвоғида,
Бобошвоқ ҳирсга ортиқ бўлмагайсан ўйинчоқ.
Ўтмишнинг қайтиб келмас, ўз қўлингда эртанг ҳам,
Инсоний эркинг қўлда, кенг йўлда бирга бўлгун.
Меҳнатда ҳам, тўйда ҳам, жангда ҳам дадил, ўктам,
Бахта, мулка ва юртга тепша-тенг эга бўлгун!
Балли, Шарқнинг ўзидай доно, эзгу онага!..
Сиз туғажак фарзанд ҳам — майли ўғил, майли қиз,
Эга бўлур бахта ҳам жарангдор таронага.
Қамчидан, зах зиндондан сал қунда қолмагай из,
Эртангиз ўхшаб кетар ёруғ бир афсонага!»

Қаранг, бари рост бўлди; муддат-ку ярти аср,
Шарқ онасн бахту эрк, давр-у давлат эгаси.
Ўртада оғир-енгил, кошонами ёки қаср,
Наинки фақат эга, ҳукмфармо бекаси...

Байроқдай порлар мудом Ленин имзо чеккан эрк,
Эрк барала дер: аёл, балоларнинг йўли берки!

1967 йил.



„МОСКВА“ ОКТЯБРДА

Б. Мизрохин фотоочерки

Янги ташкил топган колхозлар шу қадар кўпайиб кетганки, уларнинг тарихини сўзлай бошласалар, колхозимиз шамол ялаб ётган тақир ерда бунёдга келган, деб таърифлай бошлайдилар, албатта. Бироқ, биз ҳикоя қилмоқчи бўлган хўжалик дайди шамоллар изғиб юрган тақир ерда бунёдга келган эмас. Бу хўжаликнинг ўрнида илгарилар ҳам юз, балки минг йиллардан бери одамлар истиқомат қилиб келишган. Улар бу ерларда ўзлари учун уй-жой қуришган, дон-дун, пахта экиб, боғ-роғлар бунёд этишган. Тарих йўлининг бу чорраҳаси ҳамisha гавжум бўлиб келган. Жиззах тупроғи тарих давомида

неча бор турли хилдаги боқинчилар оти туёғи остида ларзага келган. Бироқ, бари бир, жиззахликлар мағрур ва мустақиллигича қолаверган.

Бундан эллик йил муқаддам халқ галаенининг илк бор шу ерда чақнагани ҳам бежиз эмас. Чор ҳукмдорларининг меҳнаткаш халқни эзишлари ва талашларига қарши биринчи бўлиб бош кўтарганлар ҳам ана шу жиззахликлар бўлган.

Бироқ, буларнинг ҳаммаси бундан ярим аср муқаддам содир бўлган. Ҳозир эса...

Автобус «Москва» колхозни марказига келиб тўхтади. Киши обод қишлоқни кўрса, беихтиёр уни шаҳарга қиёс қилади. Бироқ, дала жойининг ўз файзи, ўз кўрки яна бўлақча. Колхоз қишлоғининг бири биридан шинам кўчалари, серкут боғлари, ранго-ранг гуллари, баҳри дилингизни очади. Тош йўлдан пахта ортилган прицепларни судраб тракторлар ўтиб боради. Терим машиналари гуриллайди...

Мана бу манзарани эса, қишлоқ учун янгилик деса бўлади. Қаноти теккан ерга обиҳаёт тараб сув сеппи машинаси жилиб келяпти...

Колхоз азалдан райондаги энг яхши хўжаликлардан ҳисобланиб келади. У район ҳурмат тахтасидан ҳар жиҳатдан биринчи бўлиб ўрин олганлардан. Механизация ва замонавий техникани яхши тушунадиган ва бошқара оладиган кишиларга суянган бу катта хўжаликнинг меҳнаткашлари сидқидилдан ишлаб, йиллар оша эришилган муваффақият ва обрўни ҳамisha қўлдан бой бермай келдилар.

Кафтдек текис йўлдан колхознинг 16-бригадасига томон бормоқдамиз. Йўлнинг икки томонидаги манзара беихтиёр кишини тўлқинлантириб юборди. Қатор саф тортган терим машиналарини кўриб, техника кўргазмаси ўтказилмаяптимикан, деган фикр келади хаёлингизга. Дам ўтмай, бу механизмларнинг кўрманага қўйилмаганига амин бў-



Колхоз раиси Ҳамроқул Носировни Москва телевидениеси ходимлари билан суҳбатда суратда олдик.

ласиз. Улар наъра тортиб, меҳнат майдонида жавлон урадилар. Бу ерда техникага ишонч, муҳаббат беҳад зўр дейишганича бор экан. Қайси картага қараманг, бир эмас, икки-уч терим машинаси...

Эгат бошига чиқиб, «оқ олтин» тўла бункерини бўшатаётган қизил дуррали «зангори кема» капитани эътиборимизни тортади. Штурвалдан сакраб тушган қорамағиз, хушрўйгина қиз — Лола Жумабоева!... — деб таништиради ўзини. Вақт тигиз. Бафуржа гаплашиб олишнинг иложи йўқ. Лола машина рулига интилади. Яна пўлат оти билан эгат оралайди, чаноқлардаги шпинделлар сўриб олаётган пахта-лар машина бункерига отилади. Бункердаги пахта эса, кўз олдингизда тоғдек кўтарилиб боради.

Кузакда кунлар қисқаради, ҳадемай ёмғирли, тунд кунлар


Пенсионер Адолат Эрматова.



«Москва» колхозига келишингиз билан обод қишлоқни, тоғтор пахта хирмонларини, янги теплицани кўрасиз.



Механик-ҳайдовчи **Лола Жумабоева** кунига 4 тоннадан пахта терди.



Олма мўл бўлди бу йил.



Учинчи бригаданинг илғор теримчиларидан **Холбуви Эргашева, Малика Эргашева** ва **Муъяссар Бақоева**.

келиб қолади. Пахта эса, ҳамон патиллаб очилиб ётипти. Далаларимиз бу йил гўё эллик йиллик тўйимизга тўёна билан етилгандай. Ҳосил ниҳоят мўл. Чаноқда бир дона чигит қолмагунча тиниб-тинчишмайди дала заҳматкашлари. Лола Жумабоеванинг елиб-югуришининг боиси ҳам шундан.

— Мана кўрасиз, — дейди ҳамроҳим, бу йил ҳам Лолахон ўз сўзининг устидан чиқади. Давлатга 100 тонна «оқ олтин» армуғон этмоқчи. Қизнинг шижоати, иш журъатини қараб, бунга сира шубҳа қилмайсан киши.

Колхозда пахта нондек азиз. Чорва ҳам хўжалиқнинг муҳим тармоғи. Колхоз чорваси эрта баҳордан пахта далаларини ўраб турган Қуйитош тоғ тизмасига ёйилиб кетади. Тотли ўтлар-у, муздек булоқ сувларидан

кеч кузгача баҳраманд бўлган моллар яйловдан эт қўйиб, яйраб қайтади қишлоғга.

Саломат Эсонова колхоз зоотехниги. Олий маълумотли, оқила аёл. Биз уни фермада, қизғин меҳнат қўйнида учратдик. У ферма ишчилари билан бир неча йиллардан буён колхоз молларининг зотдорлиги устида олиб бораётган қузатувларини ўртоқлашарди... Колхознинг 9 минг зотли моли, икки йилдан сўнг 15 мингга етиши мўлжалланган қорақўл қўйлари унинг измида.

Машинамиз дала бағрини камардек кесиб ўтган, шиббалана-вериб, метин бўлиб кетган йўлдан елиб бормоқда. Йўл-йўлакай яна кўп ажойиботларнинг гувоҳи бўлдик: колхознинг кўрки бўлган янги теплица ойналариди куёш жилваси, сув миносраси иншоотидан урилган шаф-

фоф ел тафтингизни босади. Бу сув минорасининг яна бир фазилати қишлоқда истиқомат қиладиган барча хонадонларни, узоқ ё яқинлигидан қатъи назар қишин-ёзин тоза сув билан таъминлаб туради.


Мана бу муҳташам бино эса, колхоз ошхонаси. Колхоз аҳли учун хоҳлаган таомлари ана шу марказий ошхонада пиширилади. Тайёр овқат эса катта-катта термосларда бригада шийпонларига ўз вақтида etkazилиб турилади. Кечга яқин ошхона айнақса, гавжумлашади. Одамлар бу ерга хилма-хил буюртмалар бергани келишади. Баъзи хотин-қизлар уйларига овқат харид қилиб кетишади... Ҳам арзон, ҳам ширин овқатлар тайёрланганлигидан, ошхона хизматидан ҳамма мамнун.

Колхоз туғруқхонаси кўринишдан бошқа туғруқхоналар-

Правление секретари **Ҳабиба Бахриддинова** маълумот қабул қилиб олмақда.

Ўқитувчи **Шаҳри Аҳрорқулова**.

Бу манзарада колхознинг мактаб биноси кўзга яққол ташланади туринпти.





Сув сепиш машинаси жилиб келаяпти.

дан деярли фарқ қилмайди. Лекин туғруқхона хизматчилари билан машҳур. Мана бу ҳовурини босолмай ўйнаб юрган колхоз фарзандлари акушерка Яниш Ёқубова, доя Мария Кислева оналарини балки танишмас ҳам, лекин уларнинг оналари туғруқхонанинг бу тажрибали, меҳрибон ходимларини жуда яхши кўришади, ҳурмат қилишади.

«Москва» колхозида бундай ажойиб кишилар беҳисоб. Уларнинг ҳар бири ҳақида дoston

ёзса арзийди. Қаршимизда нурунний кекса ўтирибди. Уни қишлоқда Адолат хола деб аташади. Баъзида учрайдиган оилавий нотинчликка ҳам, мунозарали учрашувларга ҳам, тўй-ҳашамларга ҳам, барисида унинг қошига маслаҳат сўраб келишади. Адолат хола эса ҳамқишлоқларига ҳамиша пешвоз. Оғирини енгил қилади, қувончига шерик бўлади. Ҳаёт гирдобини Совунгарлик, Кўнчилик, Ҳаваслик, Сайил жойи каби эски қишлоқларни янги ҳаёт йўлига буриб юборганда Адолат опа 25 ёшда эди. Айни кучга тўлган, ғайрати жўш урган Адолат ўзини колхоз қурилиши ва унинг фаровонлигига бағишлади. Пахта экди, пахта терди, пилла боқди, паранжи ташлади, дугоналарини ёруғ йўлга бошлади... Гарчи йиллар ўтиб кўзининг нури хиралашган, бeldан куч-қуввати кетган бўлса ҳам, Адолатхоннинг шижоати сўнмаган. Қишин-ёзин неваралари атрофида парвона. Ялт этиб баҳор кўриндими, колхоздан ипак қурти олиб, эрмак қилади. 75 ёшли, пенсионер Адолат хола Эрматова колхознинг энг ҳурматли кишиларидан.

Шинам мактаб биноси, клуб, кутубхона қурган ва яна хўжаликда қанчадан-қанча жасорат кўрсатаётган қишлоқнинг олтин қўллари ҳақида ҳар қанча ҳикоя қилсанг оз.

Шу ерда туғилиб ўсган халқимизнинг сеvimли шоири Ҳамид Олимжон ўз вақтида жонажон қишлогини, унинг ажойиб

Куни кеча газеталар бир хушхабар олиб келди. Совет ҳукуматининг халқ фаровонлигини янада ошириш борасидаги яна бир ҳужжати эълон қилинди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда меҳнатқашлар моддий аҳволини тобора яхшилашга қаратилган биринчи муҳим қонун ва қарорлар қабул қилинди ва амалга оширилди.

Социал таъминот соҳаси тўхтовсиз ривожлантирилмоқда ва тақомиллаштирилмоқда, бунинг учун ажратилган маблағлар йилдан-йил кўпайтирилмоқда. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1967 йил 26 сентябрдаги қарори ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг худди шу кунда чиққан Фармони бу йилда олға қараб ташланган яна бир зўр қадам бўлди.

Яқиндагина ҳаммамиз колхоз аъзоларига бериладиган пенсия ва нафақалар тўғрисидаги Қонун амалга киритилганига суюнган эдик. Шу Қонун жорий қилингандан буён ўтган салкам уч йил ичида республика колхозчиларидан қарийб 456 минг кишига қариллик, пенсиялик ва боқувчисини йўқотганлиги учун пенсия тайин этилган эди. Шу билан дунёда биринчи бўлиб қишлоқ меҳнатқашлари социал таъминотдан баҳраманд қилинди.

Бироқ, колхоз аъзоларига қариллик пенсиясинг эркакларга 65 ёшга ва аёлларга 60 ёшга кирганда тайин этилган эди. Янги фармонга мувофиқ кол-



Боалар боғчасида.



Саломат Эсонова колхознинг зоотехниги.

кишиларини роса қуйлаган. Колхозчилар ҳам ўз ҳамқишлоқлари Ҳамид Олимжон билан фахрланадилар. Ҳар уйда шоир меҳмон, уйнинг тўрида унинг портрети, асарлари...

Совет Иттифоқимизнинг шонли 50 йиллик юбилейига Ленин орденли «Москва» колхозчи қувончли муваффақиятлар билан кириб келаяпти. Утган йили колхозда ҳосилдорлик гектар бошига ўрта ҳисобда 34,5 центнер бўлган бўлса, бу йил бу рақам 40 центнерга ошди. Агар 2325

Б У Ю К Ғ А М Х Ў Р Л И К

В. С. СОДИҚОВА,
Ўзбекистон ССР Социал таъминот министри.

хोजчилар бу жиҳатдан ҳам шаҳар меҳнаткашлари билан тенглаштирилди. Колхозчиларга худди ишчи ва хизматчилардек эркакларга 60 ёшдан ва аёлларга 55 ёшдан пенсия тайинланадиган бўлди.

Колхоз аъзоларига бериладиган пенсия ва нафақалар тўғрисидаги Қонунда беш ва ундан кўп фарзанд кўриб уларни 8 ёшга тарбиялаб ўстирган оналарга 55 ёшдан пенсия берилар эди. Эндилкида улар 50 ёшдан пенсияга чиқадилар. Лекин, албатта, пенсияга чиқиш учун ҳар бир колхозчи муайян меҳнат стажига эга бўлиши шарт.

Бу стаж эркаклар учун 25 йил, аёллар учун 20 йил, 5 бола ўстирган аёллар учун эса 15 йил қилиб белгиланган.

Рақам кишини зериктиради, деган сўз бор. Лекин мана бу рақамларга қаранг. Янги Фармон асосида кўп болали аёллардан Сурхондарё областида 630, Қашқадарё областида 776, Андижон областида 4239, Тошкент областида 1168, Самарқанд областида 1960 киши 50 ёшдан пенсия ола бошлайди.

Колхозчиларнинг пенсия олишга ҳуқуқ берадиган ёши 5 йилга камайрилганлиги туфайли, республикамизда ёши

55 билан 60 орасида бўлган қарийб 64 миң аёлга пенсия тайин этилади. Бундан ташқари, 5 бола ўстирган 13 миңдан кўпроқ аёлларга имтиёзли пенсия берилади — улар 50 ёшда пенсия олишга ҳақли бўдилар.

Ҳозиргача колхозларда I ва II группа инвалидларигагина пенсия тайин қилинар эди. Бундан буён меҳнатда майиб бўлганлиги ёки касб касаллиги сабабли инвалид бўлиб қолган III группа инвалидлар ҳам пенсия олади.

Хисоблаб кўрганимизда янги Фармон асосида 130 миңдан кўпроқ колхозчига янгидан пенсия тайин этилади. Колхоз пенсияларига қилинадиган сарф 30 миллион сўмга ортади.

Тўқимачилик саноати корхоналарида — СССР Министрлар Совети тасдиқлаган ишлаб чиқариш ва касблар рўйхати бўйича ишлаб келган ва шу ишда 20 йиллик стаж орттирган аёл ишчилар ҳам бу имтиёздан фойдаланадилар. Демак, ишчиларнинг мутлақ кўпчилиги хотин-қизлардан иборат бўлган Тошкент ва Фарғона тўқимачилик қўшнатларида ҳамда кўнгина бошқа корхоналарда ишлаётган қавчадан-қанча аёллар пенсияга барвақт чиқадилар.

Янги қарорга мувофиқ умумий касаллик натижасида инвалид бўлиб, I

ва II группа инвалидлик олган кишиларнинг пенсиялари ҳам кўпаяди. Шунингдек, болалигидан I ва II группа инвалид бўлиб, 16 ёшга етганларга ҳар ойда бериладиган нафақа 16 сўм миқдорда белгиланади, бу — турғам ногирон кишилар ҳам мустақил даромад маъбаиға эга бўлади, демакдир.

Қарорнинг алоҳида моддаларини олайлик. Ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлган III группа инвалидлари олаётган пенсиялар миқдори ўрта ҳисобда 9 сўмга ортади. Натижада фақат Ўзбекистон ССРнинг ўзидангина 46.450 киши илгаригидан кўпроқ пенсия ола бошлайди.

Ҳаммаси бўлиб III группа инвалидларига тўланаётган пенсия пули келгуси йилда 3 миллион 150 миң сўмга ортади.

Фармонда ҳарбий хизматчилардан бўлган I ва II группа инвалидларининг пенсияларини 15 сўмга ошириш қўзда тутилган. Шу муносабат билан республикада яна 15.714 кишининг пенсияси анча ошади.

Тошкент шаҳрининг ёлғиз бир Фрунзе районини олиб кўрсак, буида I группа олган 32 кишининг ҳамда II группа олган 141 кишининг пенсиясига 15 сўмдан, III

группа олган 435 кишининг пенсиясига 9 сўмдан кўпилади. Бунинг учун 1968 йилдан қарийб 70 миң сўм қўшимча маблағ сарф қилинади.

Бу ерда гап мuddатли хизматда бўлиб, СССРни ҳимоя қилиш чоғида ёки ҳарбий хизматнинг бошқа бурчларини бажариш чоғида яралганлиги, контузия ёки майиб бўлиб қолганлиги натижасида ёхуд фронтда бўлиш сабабли касалликка учраганлиги натижасида инвалид бўлиб қолган оддий, сержант ва старшиналар составидаги ҳарбий хизматчилардан бўлган инвалидлар устида бормоқда.

Уларга яна бир имтиёз берилган. Бундай инвалидлар жумласига кирувчи ишчи ва хизматчилар эртароқ пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бу табақага мансуб эркакларга камида 25 йил иш стажига эга бўлиб 55 ёшга кирганларида, аёлларга эса 20 йил стажига эга бўлиб 50 ёшга кирганларида пенсия тайин этилади.

Яқин вақтда амалга ошириладиган ана шу тадбирлар «Ҳамма нарсанисон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» деган шпорнинг изчиллик билан амалга оширилаётганини кўрсатувчи далилдир.

гектар ердан кўтарилган ҳосилни чўтга солсангиз, юбилей йи-

лида колхознинг 9300 тоннадан ошириб оқ олтин ештирганининг гувоҳи бўласиз.

Колхоз хўжалигининг бошқа гармоқлари — дончилик, боғдорчилик, ем-ҳашак тайёрлаш ишларида ҳам олдинда бормоқда. Даромад яхши бўлган жойда кишилар роҳат-фароғатда яшайдилар. «Москва» колхози меҳнаткашларининг турмуши шаҳарга қадис қилса аризгудек. Қишлоқда радиопрёмник, телевизорсиз хонадон йўқ десак муболага бўлмас. Кийинишда ҳам, уй тутиш-

да ҳам шаҳарликлардан қолишмайди улар.

Кичик «Москва» катта Москва қабилда тўлақонли ҳаёт кечирмоқда. Ҳа, 1917 йил Октябрда «Москва ва Жиззах революционерлари мана шундай ёрқин ҳаёт учун жон фидо қилганлар.

1967 йилнинг Октябрда уларнинг Жиззах район «Москва» колхозидagi фарзандлари ва набиралари, улар жон фидо қилиб қўлга киритган буюк ғалабалари байрами кунини ота ва боболари учун ҳам тантана қиладилар.



Рахбар Муродова ёш бўлса ҳам донгдор теримчи.



НУСРАТБИНИНИНГ

Холда АҲРОРОВА

Вақт ўтини билан ёзувлари хира торган бир папка ҳужжат. «Жамоатчи аёл Нусратби Нуриддинованинг ўлдрилиши ҳақидаги 281 рақамли жинойат иши». Папкадаги бу ёзувлар катта фожиядан гами ҳикоя, катта қаҳрамонликдан дoston. Ўзбек аёлининг чинакам озодлик, мустақиллик ва ёрқин тақдирини учун кураши, қурбони ва галабасидан ҳикоя сўзлайди сизга. Марҳамат, биз билан Избоксанга сафар қилинг, Нусратбинининг сафдошлари ҳикоясини тингланг.

МЕН ШҲРОГА ТАЯНАМАН!

(Кекса коммунист Тўрақул Қобилов ҳикоя қилади).

Жамоа кун тартибидан бир масала турарди: «Колхозларни ёт усурлардан тозалаш».

Минг тўққиз юз ўттиз иккинчи йилнинг январини. Аёз жонингизни чимчилайди. Жамоа активлари тўпланган хона совуқ, еттиччи қироқ хира лиллайди.

Камбағаллар ташкилоти аъзоларидан ёрқ чоқди киши ўтирипти. Район колхоз союзи вакили ўртоқ ўрмонов ҳам шу ерда.

Ҳамама жим. Ер остидан бир-бирини қарайди.

Рангликни олиб борувчи ўрта ёшлардаги, сочига оқ оралаган, бўйдор, қотма аёл Нусратби Нуриддинова хонадагиларни кўздан кечириди. Ҳамама унинг яхши таниғимиз.

Унинг асл исми Нусратби бўлсада, теваарак қишлоқларда ҳамма бўзчи хола деб атади. Бир вақтлар эри тўқнаган бўзчи уйма-уй юриб сотарди. Шўро ҳукумати камбағалларни бирлаштириб колхоз тузганда, дарров колхозга кирди, паранжисини ташлагани учун тошбўрон бўлишига са

қолди. Бойларнинг қутқиси билан баъзида камбағаллар ҳам унга ланат ўқиган пайтлар бўлди.

Шундай кезларда менга маслаҳат соларди:

— От ўғриси Ортиқ билан Тўрабойга дуч келдим. — «Бетинг курсин, кофир! Сени жонинг меннинг қўлида...» — деб ўдағайлади. Индамадим, бошимни балад кўтарганча ўтдим-кетдим. Лекин ханузгача титрайман, кўрқиб кетайман.

— Сен шундай десанг, бошқалар нима қилсин?! Чумчуқдан кўрққан тариқ эмас, дейдилар. Сен билан биз большевикимизни, ахир!

Нусрат ҳеч нарса демеди, лекин дадил торганини сездим. Ордадан беш-олти йил ўтди. Бу йиллар ичидан у саводини чиқарди. Неча-неча аёлларнинг паранжисини олиб, саводхон қилди. Жамоага раис қилиб бир овоздан Нусратби Нуриддиновани сайлашди.

Нусратби қаршимизда жим, ниманидир қаттиқ фикр қилиб ўтирарди. Қора қошлари чимирилган, қўй кўзлар ўйчан бир нуқтага қадалган.

Район партия комитети вакили бўлиб келган ўрмонов зимдан раисни кузатаркан менга энгашиб:

— Сайлаганингни яхши бўлди, у продалди аёл, — дейди таҳсин билан.

Нусратби бир кўзғалиб олди. Урнидан туриб одамларни яна бир бор кўздан кечирди ва мажлисини очди.


Биринчи бўлиб ўрмонов сўз олди. У Шўро ҳокимияти ва коммунистлар партиясининг колхозларни мустақамлаш учун кўраётган чора ва тадбирлари ҳақида сўзлади.

— Россия заводларида ишлаб чиқарилган тракторлар йўлга чиққан! Далаларимизда, эндиликда, от-омоч ўрнида трактор бўлади. Қишлоқлар электрлаштирилади... Лекин бу вазифаларни зудлик билан амалга оширилишига тўққиллик қилаётган шахслар бор. Улар колхоз мулкига зарар етказаятирлар, отларни ўғирлаб, колхозчилар орасида акселикчилик тарғибот ўтказаятирлар. Колхозга суқулиб кириб олган ёт усурлар ҳар тарафлама зарар етказаятирлар. Коллектив хўжалигини ёт усурлардан тозалашингиз керак...

— Тўғри, — маъқуллади Нусратби, — улар ҳар тарафлама зиён келтиришайтибди ишимизга. Сотиб олди Соттиқул ўғли ҳам колхозга кириб олган ана шундай ёт усур.

Нусратбинининг сўзи шу ерга етганда бошқалар ҳам гапга аралашиб кетди.

— Катта бойнинг ўғли у, чоракор ишлатган.



Коммунист Оппоғой Рустамовани Сирдарё область Пахтакор районидаги Акмал Икромов номли 26-совхоз ишчилари ҳурмат билан тилга олишади. Бу бежиз эмас албатта.

Оппоғой Рустамова бу ҳурматга шарафли меҳнати туфайли эришди. У тўрт йилдан бери совхозда бригада бошлиғи бўлиб ишлайди. Бригадада йилдан-йилга ҳосилдорлик ошиб, маҳсулот таннархи арзонлашиб бормоқда. Чунки бригадада пахта етиштиришдаги асосий ишлар машиналар зиммасида. Бригада аъзолари бу йил 75 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил йиғиб, совхозда биринчилар қатори планини бажардилар. Оппоғой Рустамова даладаги ҳосилни ҳисоблаб чиқиб мажбурият ҳисобига яна 15 центнердан ҳосил йиғиб олишга сўз берди.

Оппоғой Рустамова юбилей шарафига олган шахсий мажбуриятини бажариб, 100 тоннадан ортиқ пахта терди.

Ф. Лутфуллаев фотоси.



ЧИРОҒИ ЁНИК

— Колхозга кириб олиб зарарку-нандалик қилаяпти.

Шундай қилиб, «Эски ёлғиз боғ» қишлоқ Советининг 1932 йил, 5 январдаги умумий мажлиси қарори билан «Ўзгариш» колхози аъзоси Сотиболди Соттиқулов қулоқ қилинди.

Мажлис алла-паллада адо бўлди. Кимлар отда, кимлар пёйда уй-уйларига тарқалишди.

Нусратбиби билан хайрлашаркан: — Хўп юрагингиз бор-а, ая, — деди Моҳларбиби Худойбердиева.

Моҳларбиби «Ўзгариш» қишлоқ Советининг партия аъзоси эди.

— Ортиқ ўғри кетимга тушиб юрибди дейсиз, яна душман ортирасиз ўзингизга. Улар бой, сиз бир бўзчи бўлсангиз, нимангизга ишонасиз, кимнингиз бор сизнинг?

— Менми? — деди Нусратбиби. — Менинг ҳам суянган тоғим бор. Шўро ҳукуматига ишонаман мен, билдингми, шўрога!

ШУНДАЙ КҮН КЕЛАДИ...

(Ёқубов номли колхоз аъзоси пенсионер Ҳамроқул ота ҳикоя қилади)

Қиш ўтиб кўклам келди. Қир-адирларни лола тутди.

Қушлар ҳам яйрайди, ёшлар ҳам: қизчалар тол новдаларидан сочпоқ тикишди. Ўн-ўн икки ёшлардаги қизалоқ қаердадир эшитган қўшинқни бийрон айтади.

Зулмат барбод бўлди, тонг овоз бўлди,

Меҳнат овоз бўлди, онг овоз бўлди...

Билак овоз бўлди бахт тузмак учун...

Ниёзат ариғ бўйида ўйноқлаб юрган дугоналари унга жўр бўлиб бидирлашади:

...Билак овоз бўлди бахт тузмак учун...

Шу чоқ муюлишдаги эшикдан чиқиб келган Нусратбибининг ўйчан кўзлари қулиб қизларни кузатди.

Қизалоқлар унинг истиқболига югуриб баробар салом бердилар.

— Асселому алайкум, бўзчи хола...

— Ваалайкум... оппоқ қизларим, мунча яхши қўшиқ топибсизлар... Ким ўргатди?

— Тунов кун ўтган солдатлар айтишди бу қўшиқни... — деди қизчалардан дуркувроғи.

Қиз бошига нимча ташлаб олганини кўргач аёл у қиз билан худди

катталар билан сўзлашаётгандай жиддий гапирди.

— Мени қара, паранжисиз юрибман, нима қилсан бу рўданони бошингга илб. Керак эмас. Сен шўро қизсан. Қизлар юзини парда тўмасин, яйраб, қунаб ўсини қизлар, дейди шўро ҳукумати...

Аёлниң сўзларига қизлар маҳлиё бўлиб қолишди.

— Ана шунақа, дўндиқ қизим, қайтиб илма бу рўданони бошингга. Ўқи, илм ол — қизлар ҳам ўқисин, олим бўлсин дейди шўролар ҳукумати. Ҳали шундай кунлар келадики, сиз ҳам менга ўхшаб большевик бўласиз, биз бажаролмаган ишларни сиз бажарасиз... Кейин Нусратбиби шаҳдам юриб катта кўча томон кетди, теварак-атрофга хушхўл мамнун қарайди. Назарига ҳамма ёқ янгилашиб кетгандай бўлса керак, — деб ўйладим...

ТИЛАКЛАРИ УЛУҒ ЭДИ УНИНГ

(Пенсионер колхозчи Садриддин Едгоров ҳикояси)

Бу галги кўклам кўктўнликлар учун ҳар йилгидан ҳам наъшали келди, бу йилги баҳор Избосқанда бизга ҳар вақтдагидан гаштли кўринди.

Дарҳақиқат шундай: коллектив хўжаликка бирлашган камбағал деҳқонлар кўксига шамол теғди. Неча йил чорақор бўлиб, қулоқлар билан олишиб, босмачилар билан курашиб келдилар улар.

Кўктўнликлар ўз колхозларига «Эркин» деб ном бердилар. Қўшпай-доқликлар аса ўз колхозларини «Мустақкам» деб атадилар.

Аммо мол-мулки мусодара қилинган бойлар, қулоқлар жим ётмади, ёвузлик қилишди. Колхознинг отуловини ўғирлашди, омон-уловларини синдиришди. Колхоз синди, деҳқонлар уй-уйларига тарқаладилар, деб ўйладилар улар. Уларнинг ўйлагани бўлмади. Шўро ҳукумати колхозларга трактор берди. Бу ёт унсуллар юрагига гўлу солди. Етиб қолгунча отиб қол, қабилада иш тутдилар. Вақти-вақти билан бир-бирдан даҳшатли хабарлар тарқалиб турди.

— Избосқанда бир милиционерни ўлдириб кетишди.

— Босмачилар Тентаксойда икки юз қизил аскарин отиб ташлабди...

Бу шум хабарлар аста-секин тарихга айланиб қишлоқлар эркин нафас ола бошлаган эдилар.

Айни экин-тиқин даври: далаларда иш қизини. Нусратбининг иши деҳқонлариникидан ҳам кўп: паранжи ташламаган аёл ҳали жамоада кўп. Жамоада мактаб, касалхона, турмухона очса, Ильяч чирокдағи бу ерининг ўйларини ҳам ёритса... У келажакни шундай тасаввур этарди. Лекин бунга эришмоқ учун ҳозир курашдан қочмаслик керак.

Яхши ният ярим мол, дейдилар. Бир кунпас бир кун шундай замон ҳам келадди...

Нусратбининг кўнгли шундай нурга тўлиқ эди, тилаклари улду, орзу-умидлари офтоб каби ёруғ эди бечоранинг...

— Бўзчи холани сўйиб кетишибди...

Машғум хабар бир нафасда бутун Кўктуғлига ёйилди. Кўктуғли қишлоғинга эмас, теварак-атрофдаги Уч кўза, Эски кўрғон, Елғизбўғ қишлоқларига ҳам етиб борди, ҳамма меҳнат аҳли етиб келди.

Бутун жамоа мотам тутди. Қишлоқ коммунистлари билаларига қора боғлаб фахрий қорувулликда турдилар, Избосқан гарнизони солдатлари ялтиқлардан ўқ узиб Нусратбини Нуриддинова билан видолашдилар.

— Сен янги ҳаёт учун қурбон бўлдинг, азиз дўстимиз. Лекин душманлар шуни билиб қўйсинки, бир большевикни ўлдиршса, унинг ўрнига икки большевик туради, қотиллар халқ олдида жавоб беради... — шивирларди мотамсаро лаблар.

Бу фожиа юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Суди текшириш ишлари олиб борди ва «Эски янгибўғ» қишлоқ Совети раиса, коммунист Нусратбини Нуриддинова қулоқлар томондан ўлдирилганини аниқлади.

Қотиллар совет қонуни олдида, халқ олдида жавоб бердилар.

Ўзбекистон ССР Олий Судининг сайёр сессиясининг ҳукми билан 1933 йилнинг 2 июли куни Нусратбининг қотиллари Сотиболди Соттиқулов билан Комилжон Соттиқулов отишга ҳукм этилди.

● Шундай ҳикоя қилишди Нусратбин тендошлари, меҳнати, кураши, қаҳрамонлиги ва ҳалокати шохдлари. Бугунги ҳикояни мен давом эттирдим.

ҚИШЛОҚНИНГ БУГУНИ ЖАМОЛИ

Нусратбири суҳбат қилган—бошида нимча дўндиқ қизин мен Избосқанда учратдим. Савриниса Ирсова ҳозир Ёқубов номли колхоз боччаси мудираси бўлиб ишлар экан. Коммунист. Унинг дугоналари колхоз раиси, қишлоқ Совети раиси муовини, врач, ўқитувчи, механизатор бўлиб хизмат қилади. Хотин-қизлардан 41 киши район ва қишлоқ Советга депутати, ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида учратасиз уларни, Нусратбири оруз қилгандай озоод, ҳур жувонлар ҳаммаси.

Нусратбининг сафдошлари эса ардоқда — колхознинг ҳурматли пенсонерлари.

Эски ёлғизбўғ қишлоқ Совети эндиликда «Пахтакор» деб аталади, «Коммунизм», Энгельс ва Ёқубов номли бадавлат колхозларни ўз ичига олади. Янги колхоз қишлоқларини кезаркансиз Нусратбири Нуриддинова орзу қилган кунлар келганини кўриб қувонасиз.

Уч колхоздаги ўн мактабда 182 ўқитувчи бўлиб, 3680 бола ўқийди, 5 алоқа бўлими, уч колхоз клуби, уч туғруқхона, икки шифохона, 5 медицина пункти ишлаб турибди. Қишлоқлар тўла электрлаштирилган, радиоллаштирилган. Аммо қурилиш ҳақон давом этади. Ёқибов номли

колхоз хонадонларга водопровод тармоғини таратаётир, Энгельс номи ва «Коммунизм» колхозида янги уйлар қурилиши авжда.

Совет ҳокимиятининг эллик йиллигини таънага билан байрам қиларканмиз, республикада Совет ҳокимиятини ўрнатилди, унинг ютуқларини ички душманлардан ҳимоя қилишда кучини аймаган, бу йўлда жонини фидо қилган кишиларни ҳурмат билан эслаймиз, уларнинг қаҳрамонликлари олдида таъзим қиламиз.

Олди деҳқон қизи Нусратбини Нуриддинова ана шундай қаҳрамонлардан.

Босмачиларнинг ҳуружига қарамай биринчилардан бўлиб паранжини ўтга отиш — қаҳрамонлик эди. Нусратбири шундай қилган.

Уша даврда очиқ юз билан юриб, савод чиқариш, бошқа аёлларни ҳам кетидан эргаштириб бориш қаҳрамонлик эди. Нусратбири шундай қилди.

Колхозни мустақкамлаш учун, ички душманларга қарши синфий курашда олдинги сафда бўлиш қаҳрамонлик эди. Нусратбири шундай қилди.

Ана шунинг учун, унинг чироғи ёниқ, қишлоқда чарақлаб турган электр чироқлари унинг чироғи. Халққа жонини фидо қилган кишининг номи абадий яшashi керак.

Самарқанддаги зонал агрохимия лабораториясининг илмий ходимлари ўзлари хизмат қилаётган районларнинг тупроғини текширишда катта иш олиб бормоқдалар. Суратда: лабораториянинг картография бўлими бошлиғи Н. Хаскевич билан картограф техник С. Жумаева тупроқ картасини ишлашмоқда. А. Кузьменко фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).





Рассом: Л. Куртукова.

СУТ

(Ленинградлик тўқувчи тилидан)

Хикоя

Петроградда озиқ-овқат танқислиги ва ишсизлик ҳукм сураб, уруш ҳамма ёқни вайрон, шишшйдан қилганди.

Еш болаларга сут етишмас, бундай жужуқлардан менда бешта, саккиз ойликдан тортиб каттаси ўн уч ёшда эди. Американинг қуйилтирилган сутидан олиш учун карточка беришди. Совуқда қалтираб навбатда турдим. Менга теккани бир банкагина бўлди, холос. Биз Сибирга кетаётган эдик, йўл оғир, уч ҳафта юриш керак. Бир банка сут билан қаерга ҳам бора олардим?

Ингилишда бизни: бирор кўнгилисизлик рўй берса, Стеаринов заводи партия комитетига мурожаат қилинлар, деб огоҳлантириб қўйилганди.

Менга ўхшаган оналардан беш киши Ингилидик. Комитетга бориб секретарни тоддик. Фамилияси ёдимдан кўтарилибди-ю, лекин исмини Парфен дейишаркан.

— Смольнийга боринлар, у ерда 10 банкдан беришади, — деди у кулиб ва сут олиш учун бериладиган қоғозларга қўл қўйди.

Мана, биз Смольнийга, Старице Пескига томон йўл олдик. У пайтда, деярди ҳар қадамда соқчи, қўриқчи турарди. Бунинг устига қуролланган ишчилар, солдат на матрослар. Қандай ўтамиз? Оёқларимизда пийма, қисилиб-қимтишиб, турибмиз. Қўёш чўчиб, қорлар эриб кетганидан, пиймаларимиз жикда ҳўл эди.

Смольнийга кираверишда шоша-пиша у ёқ-бу ёқларимизни тузатган бўлдик. Кимдир устидаги қорни қорча, бошқа биров пиймасини қуритар, хуллас, ҳар ким ўзига оро берадди.

Шу пайт хибёндаги ҳозирги Дехқонлар уйига элиб борувчи йўлдан бир киши кела бошлади. Унинг эганида чарм тузурка, оёғида этик. бошида эса кепка, у ўртадаги дарвозадан ўтди, бизга яқинлашди. Биз унга эътибор ҳам бермадик. У биздан сўради:

— Ким керак сизларга?

— Шахсан Ленинни излаб келдик, — жавоб қилдик.

— Ленинни? — жиддий сўради у.

— Ҳа, Владимир Ильични йўқлаб келдик.

— Нимага?

— Сизга айтсам, мен Сибирга кетяпман. Беш бола, ҳеч нарса йўқ, сут керак эди..

— Сут беришмаяптими?

— Беришяпти, фақат бир банка, менинг беш болам бор ахир. Йўл оғир, уч ҳафта юриш керак.

Ҳалиги одам бошқаларга мурожаат қилди:

— Сизлар ҳам шу иш биланми?

Ҳаммаси баравар жавоб беришди:

— Ҳа.

Аммо улар ёлгон сўзлашганди. Чунки улар Сибирга кетаётганлардан эмас эдилару, лекин бир сут билан чой ичкилари келиб қолганди.

Шунда у соқчига буюрди:

— Буларни ўтказиб юборинг.

Ўзи эса қаршидаги эшик томон йўл олди.

Ингирма тўққизинчи хона олдида уни йўқотиб қўйди. Бир маҳал қарасак, секретарнинг олдига кириб қолбмиз:

— Қандай қилиб бу ерга кирдингиз? Ким сизни ўтказиб юборди, нимага?

Биз тушунтира бошладик:

— Бизни киритиб юборган кишини танимаймиз.

Бояги ўртоқ бўлса ечиниб, шапкаси бошқа эшикдан чиқиб келди. Секретарь унга мурожаат қилди ва қоғозларимизни кўрсатиб тушунтира бошлади:

— Бу аёллар, — деб, бизни кўрсатди секретарь, — кириб келишди, нима қиламиз?

Ҳалиги одам кулди.

— Виламан, менинг олдимга келишган. Уларга беш банкдан сут бериб юборинг.

Биз ҳайрон қолдик: Ленин! Лениннинг худди ўзи!

Қандай хижолатли иш бўлди! Сувга тушган новдек бўлиб турибмиз. Ҳаммадан мен кўпроқ ҳаяжонда эдим.

У менга яқинлашиб:

— Қачон жўнаб кетасиз?— деб сўради

— Бугун кечқурув.

— Ҳамма керакли нарсаларни тодингизми?

— Мана энди сут олсам, ҳаммаси бут бўлади.

— Кўзатиб қўйишадими?

— Ҳа!

Ленин гапимга қулоқ солиб:

— Ҳўй, бўлмаса, оқ йўл! Сизга муваффақият тилайман, — деди.

Ҳайрлашиш учун у менга қўл узатди. Мен довдираб қолдим.

Ленин секретарга қаради ва мулойим табассум-ла бизни кузатиб қолди, сўнг мамнуният билан ўз хонасига кириб кетди.

Мана, шундай учрашгандик Ленин билан!

Т. НУЪМОНОВ таржимаси.



Анна Захаровна Огнева.

Фабриканинг фахри

Л а в ҳ а

Аннани тажрибали ва қобилиятли бригадир деб мақташган бўлса ҳам фабрика ишчиларининг умумий йиғилишидан кайфияти ёмон қайтди. Чунки йиғилишда қўшни бригада яна қаттиқ танқид қилинди. Кўпчилик «бригададан иш чиқмайди, бригадани тарқатиб юбориш керак» дер эди. Бу сўзлар Аннанинг қалбини жизиллатиб юборди.

Қўшнингни танқид қилиб туришганда шодлик татирмиди сенга.

«Нега шундай бўлди? Бир фабрикада туриб-а?» Шулар дилидан ўтар экан, Анна Захаровна ўзини ноқулай ҳис қила бошлади. Дили сиёҳ, кунни кеч қилди, алламаҳалгача уйқуси қочиб, ўй сурди... Тонгга яқингина кўзи илинди.

Эртасига Анна Захаровна қалбида туғён ураётган ўйларини дугонаси — смена мастери Онабиби Ҳасановадан яшира олмади.

— Бировни танқид қилишга қиламизу, ёрдам беришни ўйламаймиз,— деди куюниб Анна Захаровна кечаги мажлисни эсларкан. Нега мен, сиз, бошқалар бунга лоқайд қарадик, кўра била туриб шунга йўл қўйдик,— кейин қатъий қўшиб қўйди:— Мен шу бригадага ўтиб ишламоқчиман. Лекин бир нарсадан истиҳола қилаяпман: коллективимиз, раҳбарларимиз бунга нима дейишаркин?

— Анна Захаровна, сиз олижаноб аёлсиз, кол-

лективимиз, яна бир бор тасанно дейди сизга... Аммо, бу осон иш эмас, обдон ўйлаб олдингизми? — Уйладим.

— Ундай бўлса директорнинг олдига кетдик!

Тикув фабрикаси директорининг кабинетидан Анна Захаровнанинг чеҳраси ёришиб чиқди. У энди қийин ва катта вазифани зиммасига олгани ойдинлашганиданми, ҳаяжонини боса олмасди.

Ишчилар янги бригадирни ётсирабгина кутиб олдилар. Баъзиларнинг чеҳрасидан «кўрамиз, нима каромат кўрсатаркин» деган маънони очиқ уқшш мумкин эди. Анна Захаровна сезса ҳам ўзини сезмаганга олиб юраверди, илиқ муомаласини қўймади.

— Энди бошқачароқ ишлаймиз,— деди Анна қатъият билан 3—4 кун бригадани обдон кузатиб, аниқ хулосага келиб олачак. Бугун бошқа бригадалар қанча материал олаётган бўлса, биз ҳам шунча оламиз. Ҳа, шунча! Ҳаммангиз ҳам яхши тикувчи экансизлар. Рост, кузатиб туриб айтаяпман. Бошқа ишчилардан кам ерингиз йўқ-ку! Иш ҳақини улардан икки баробар кам олаяпсиз-а? Надея ёки сен Ёқутхон, олаётган иш ҳақидан розимсиз? Қушлик топшириқни бажариш қўлингиздан келмайдими?..

Шивир-шивир бошланди. Қўринишдан уларга

Т а ш а к к у р !

Ҳар кунни бир хуш гап эшитиб, севинасан киши. Бу ҳам давримизнинг фазилати-да! Марказкомнинг сентябрь Пленуми айниқса биз тўқувчи хотин-қизларнинг қувончини ошириб юборди. Уша кунлари наҳ байрам бўлиб кетди комбинатимизда. Ахир бизда олти мингдан ошмиқ қиз-жувонлар ишлайди!

Меҳнат кишисига шунчалик гайҳўрлик кўрсатиш фақат бизнинг Совет ҳукуматимиз шағнига хос. Икки кунлик дам олишга ётиб, гайратимиз ўн чандон ошган эди. Бунинг устига Пленум қарори билан пенсияга чиқиш ёшимиз беш йилга камайтирилди. Мининг ташаккур партия ва ҳукуматимизга!

Мен йигирма икки йилдан бери комбинатда йигирувчиман. Топшириқни ошириб бажариш одатим. Юбилей йили планини эса Пленум давом этаётган

кунлари, яъни муддатидан тўрт ой олдин ошириб бажардим. Пландан ташқари етти минг килограмм тола топширдим.

Пенсияга чиқишимга оз қолди. Лекин гайратим шалоладай жўймоқда. Пленум қарорларига жавобан беш йиллик планини тўрт ярим йилда ошири билан бажаришига аҳд қилдим. Қасбдошларим Эътиборхон Мадаминова, Анна Кариди, Раҳима Ирисова, Хадича Исмолова ва бошқаларнинг аҳди ҳам шундай. Ҳаммамиз бир овоздан, партия ва ҳукуматимизга ташаккур деймиз.

Ҳабиба Мамажонова,

Фаргона Тўқимачилик комбинатининг ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.

бригадирнинг гаплари қор қилди. Лекин лом-лим дейишмай, жимгина иш бошлашди. Анна Захаровна ҳам худди шуни кутганди. Унинг учун ҳозирча энг муҳими гапларининг зое кетмагани. Шундай, дастлабки қатъий қадам қўйилди.

Ишни қайта ташкил этиш, одамларни тарбиялаш осон эмас. Бригада аъзолари орасида Анна Захаровнанин яхши ниятини тушунганлар ва қўлаб-қувватлаганлар бўлди.

Бригадада йнгирма қиз бор. Демак, йнгирма характер. Анна Захаровна ҳар бирига алоҳида йўл топишга ҳаракат қилади.

Кунлар ортдан кунлар ўтиб боради. Навбатдаги ўн кунликда Анна Захаровнанин бригадаси план топиригини 102,3 процент бажарди. Бу бригада учун катта байрам. Қизлар ўзларида йўқ шод.

— Қизларжон,— дерди Анна Захаровна суюнчи ичига сизга.— Бундан ҳам яхши ишлашимиз мумкин! Плани бундан ҳам оширса бўлади.

Қизлар қизиқсиниб, бригадирни ўраб олишди.

— Бизда энг муҳим операция — ён чўнтакларни тикиш процесси оқсаб қолмоқда,— гапиради даъм этди бригадир.— Назаримда бу ишни Саодат Маткаримова билан Надя Хрунич яхшигина бажара олишади. Камар тикишни эса Онажон Жуманиёзова билан Евгения Корзевага топширсак. Сиз нима дейсиз?

— Жуда яхши,— дейишди бир овоздан қизлар. Ўн кундан кейин бригаданин иш унумдорлиги 50 процент ошиб кетди.

Анна Захаровна цех бўйлаб боради. Бу унинг ҳар кунги одаги. Қизларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ҳамма ўз иши сеҳрида. Бригада мактаб ёшидаги болалар учун шим ва махсус техника мактаблари ўқувчилари учун куртка тикади.

Мана Онажон ёқа ўтказаяпти. Бу тивувчиликда мураккаб процесс. Лекин у ишни ҳам тез, ҳам соз бажараяпти. Анна Захаровна Онажоннинг ишидан кўнгли тўлиб, иккинчи тивув машинасини бошқараётган Евгения Ивановнага яқинлашади. Чеҳраси янаям ёришиб кетди. Петлялар ниҳоятда нозик бажарилган. Ишчининг ўз меҳнатига бўлган ихло ва муҳаббати кўриниб турибди. Анна Захаровна бир қарашдаёқ ишнинг сифатини илғаб олади. Боси, бу ишларнинг бари Анна Захаровна учун беш бармоқдек аён. Уттиз йилдан буён шу фабрикада, шу цехда меҳнат қилади.

Анна Захаровна Огнева коммунист, намунали меҳнатлари учун Ленин ордени билан мукофотланган. Бригада аъзоларидан Саодат Маткаримова, Евгения Ивановна Корзева ва Онажон Жуманиёзовалар ҳам нишондорлар. Анна Захаровна бригадирлик фаолиятида ҳамisha ана шу илғорларга суянади, шогирдларни ҳам уларга бирктиб қўяди...

Энди Огнева бошчилик қилаётган тивувчилар бригадаси Урганчдаги Ленин номи фабриканин фахри ҳисобланади. Улуғ Октябрь революциясининг 50 йиллик байрамини муносиб кутиб олган бу бригада юбилей вахтасида 8 ойлик плани 140 процентга етказиб бажарди.

Коммунист меҳнат бригадаси Октябрь ойданқ 1968 йил ҳисобига маҳсулот тайёрлаи бошлаган.

И. РАҲИМОВ

Тўйга тўёна билан



Бунга қўл бўлди. Кўз пайти эди. Колхозчилар пахта терми бошланганини шай бўлиб кутиб турардилар. Пахтаси машинада териладиган карталардаги гўза барглари аллақачон тўктирилган, Дала қор ёққандек ошпоқ. Шундай бир пайтда эғнида комбинезон, бошига қизил дуррача таннган ёшгина бир аёл «ХВС-1,2» маркали пахта териш машинасини эччилик билан бошқариб, Хайробоғда кириб келди. Бу Хоразмининг дастлабки турсукойчиларидан — Дармоной эди.

Дармоной машинасини тўғри пахтазорга бурди. Тенгқурлари унга ҳавас билан эргашинди.

Шиндилдан узатилётган пахталар бункерга отилиб чиқар, бир гала оқ кушлардек бункер ишига урилиб пахта, пахта уюми устига кўнарди. Бундан завданган Дармоной янада даядил, янада шиддат билан олдинга интиларди. Натяжа чакки бўлмади. Уша йили Дармоной машинасини бункеридан колхоз хирмонида 80 тоннадан зиёд пахта тўкди.

— Раҳмат сизгилм, бир ўзинг йнгирма теримчининг ишнини бажардинг, — деди колхоз ранси Отабой

ака Дармонойнинг қўлини сақиб, табриклимай...

Йиллар ўтди... Ўтган йиллар Дармоной Матниёзовага чексиз қувонч, бахт келтирди: партия сафига ўтди, меҳнати кўксига Ленин ордени тақди, колхознинг машинага ишқибоз қиз-жувонларига устоз бўлиб қолди.

Ўтган йили Хайробоғ киньлогининг меҳнаткашлари меҳнатсевар механизатор Дармоной Матниёзовага катта ишонч билдириб, уни Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайладилар.

Биз ақинда Дармонойни бир гуруҳ сайловчилар орасида учратдик. Улар депутатлари билан киньлоқларини ободонлаштириш, колхозлариди туғруқхона, боғча-ясли комбинати қурши ҳақида маслаҳатлашиб ўтиришдик. Дармонойнинг юбилей йилидаги меҳнат режалари билан қизиқдик.

— Бу йил машинам бункеридан 150 тонна «оқ олтин» тўкаман. Бу меннинг Октябрьнинг 50 йиллик тўйига совғам бўлади,— деди у.

Қ. МАТЧОНОВ,

Қўшқўпир районидаги Киров номи колхоз.

ҚУРИЛИШ ДАВОМ ЭТЯПТИ

— Тошкент аҳолиси ташвишда қолибди!

Бу хабар яшин тезлигида бутун Иттифоққа тарқалди. Еру дўстлар бирдан оёққа қалқди:

«Тошкентга ёрдам бериш керак!» — бу миллионлаб юраклардан отилиб чиққан яхши ният эди. Минглаб совет кишилари бу ниятни амалга оширмақ учун Тошкентга отланди.

Улар орасида ленинградлик юзлаб қурувчилар ҳам бор эди. Қурувчилар ташвишда қолган Тошкент аҳолисига ёрдамга ошиқишарди. Улар кела-келгунча, бепоев Ватанимизнинг ҳамма бурчидан Тошкентга ёрдам келаётгани ҳақида хабарларни тинглаб келишди. Ватан оёққа турган экан. Демак аҳвол жиддий. Нина Анিকেева ҳам, унинг қурувчи эри ҳам, ҳамкасблари ҳам қадимий, машҳур, лекин зилзиладан жароҳатланган Тошкентни, аёллар ва болаларнинг серташвиш юзини кўрамиз деб кутишганди. Лекин биринчи дақиқаданоқ Тошкент аҳолисининг нақадар матонатли эканини ҳис қилишди улар. Бу қурилиш поездини кутгани чиққан кишилар табассумида, болалар қийқириғида, гуллар жилва-сида акс этарди.

Аммо аҳвол ҳақиқатда ҳам жиддий эди. Биринчи тундаёқ улар ернинг қаттиқ силкинишидан уйғониб кетишди. Кейин бундай силкинишларга кўникиб ҳам қолишди, ҳатто ҳазил-мутойиба

қилишадиган бўлишди. Фақат бугина эмас. Баъзан кўкни ўлар баланд кўтарма кранлар титраб, юриб кетиб қоларди ер силкинганда. Қуёшнинг қиздиришини айтмайсизми? Майингина об-ҳавога ўрганишган ленинградликлар сал кундаёқ шарқ офтобида товланишди.

Нинанинг иши доим очик ҳавода бўлгани учун унинг ёноқлари, кўллари ҳам мисдек қорайиб кетди. У юк машиналаридан гишт, цемент, бетон плиталари — қурилиш материалларини қабул қилиб олар, уларни юқорига, устустига қаватлар ўсиб бораётган ерга узатар эди. Қурилиш материалларини олиб келаётган машиналарнинг эса кети кўринмасди. Бу юклар қардош республикалардан келар, кўпида «Жасоратли Тошкентга!» деб ёзилган бўларди.

«Ленинградчасига меҳнат қиламиз!» деб қарор қилишди қурилиш поездидагилар. Ленинградчасига... Демак тез ва сифатли... Ленинградчасига... демак ишинини кўриб ўзинг ҳам, бошқалар ҳам хурсанду мамнун. Дарҳақиқат тез орада Чилонзордаги 25-секторда ленинградликлар қурган уйлар осмонга бўй чўзди. Бир-биридан чиройли уйлар, ҳатто балконлар атрофига сўрилар ҳам қуришибди улар.

Ленинградлик қурувчилар Чилонзорда янги мактабни қуриб битказишди. Енида спорт май-

дончасини ҳам унутишмабди. Қурувчилар ҳали кетиб улгурмаёқ болалар келиб майдончада копток қува кетишди.

«Чим ётқизиб беришимиз керак!» Бу фикр қурувчиларнинг ҳаммасига маъқул бўлди. Қурувчилар ўз ташаббуслари билан ишдан ташқари вақтда чим олиб келиб майдончага ётқизишди. Ҳақиқий стадиондек бўлиб-қолди!

Кичкинтойлар майдончаларини айтмайсизми? Арғимчоқлар, эртақларда тасвирланганидек уйчалар, филсифат сирпанчиқ тепаликлар... Буларнинг барчаси катталарга ҳам, болаларга ҳам қанчадан қанча шодлик келтирди.

Улар қурган уй-жойлар эса бундан ҳам кўп қувонч келтирарди одамларга. Ленинградликлар бир минг беш юз квартирани қуриб топширишди. Икки болалар боғчаси, икки мактаб, уч магазин қуриб фойдаланишга топширишди. Буларнинг ҳаммасида Нева бўйидаги шаҳарнинг қизи Нина Анিকেева ва унинг дугоналарининг ҳиссаси бор.

Қурилиш ҳамон давом этмоқда. Кўп вақт ўтмас, ленинградликлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажариб она шаҳарларига қайтарлар. Лекин бу меҳнатсевар қурувчиларнинг номлари абдий қолади. Нина ҳам дугоналаридек яна бир неча йилдан кейин Тошкентга меҳмон бўлиб келиш иштиёқида. У билди. Шарқнинг маёғи Тошкент у вақтгача яна ҳам гўзал, салобатли, қудратли бўлади. Чунки уни жасоратли Тошкент кишиларининг қўли тикляпти, чунки уни улкан Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи қурапти.

Н. ТЮРИНА



Бу биноларни ленинградлик дўстларимиз қуришпти.



Табрик-

лайман

Сизнинг меҳмондўст мамлакатингизга катта байрамингиз арафасида келишдан ниҳоят бахтиёрман. Халқингиз ҳаётининг турли томонлари билан танишиш менда катта мароқ уйғотди. Мени Раиса Жумҳур Насриддинова қабул қилди, Ўзбек халқининг ҳинд халқига катта ҳурмати, дўстона муносабатларини изҳор қилди. Биз бунга ишонамиз, қувонамиз, фахрланамиз. Менинг халқим ҳам совет халқига шундай дўстона, самимий муносабатда. Бу икки халқни янада яқинлаштиради.


Ҳинд халқи худди совет халқи сингари тинчликнинг мустаҳкамлигига ишонади. Биз ишонамизки, ер юзидagi ҳамма халқлар, айниқса хотин-қизлар бутун куч-қуввати билан тинчлик, бирдамлик, ҳамкорлик; гоъларини мустаҳкамлаш учун курашадилар.

Бутун қалбим билан улур совет халқининг, шу жумладан Ўзбек халқининг, «Саодат»нинг ўқувчиларини эллик йиллик байрам билан табриклайман, самимий саломларимни йўллаيمان.

ПХУЛРЕНУ ГУХА.

Ҳиндистон социал таъминот министри.

32-02-32



Б. Мизрохин фотоси.

ҚОРХАТ

Музаляна АЛАВИЯ

Қиш кириб, ёғмоқда элг биринчи қор,
Қорли қишнинг бир бошқача ҳусни бор.
Табиат кўрсатиб одми кўркини:
Оқдан кийиб, оқдач қўйди бўркини.
Қарга шўнгиб тоғда каклик сайрайди,
Тошдан-тошга сакраб кийик ўйнайди.
Қишловларда қўю қўзи боқилиб,
Ҳар жой, ҳар ерларга гулхан ёқилиб,
Омбор тўла, қазоқ тўла дон-дунга,
Файз-барака билан келиб шу кунга.
Кексалар ҳам қалин гушчи кийишиб
Қарилликка оқ соқоллар ярашиб.
Дўст уйига бормоқдалар суҳбатга.
Нима етсин суҳбатдаги роҳатга.
Сермой қайнар, келинлар қуртаваси,
Сўк толқоннинг баладдир мартабаси.
Қўйингчи, қишнинг ҳам гашти бор анча
Ярашади хурсандлик қилсанг қанча.
Шунинг учун мен сизга ёздим қорхат.
Биз айтгандай тўкин бўлсин кийишб.
Судли, живзали ҳам, ёғоқ солган нон,
Бир тўққиз патир-ла қилсангиз меҳмон
Ённга мазали тандир сомбуса,
Гўшдан ҳам, қовоқдан ёшилган бўлса.
Яхна қилинг, қуш ҳам қўйнинг этидан
Сахийликнинг сира қолманг кетидан.
Турсин безаб ширинликнинг тозаси,
Кўп керакмас, ознинг ширин мазаси,
Олган бодомингиз бўлсин галиврак,
Хандон писта билан бўлади эрмак.
Тўққиз турли ҳолвадан оз-оз олинг.
Бир идишга қавдолат, новвот солинг.
Дилафруз, нашвати, серсув нокидан,
Хил-хил узум узилгандай токидан,
Мураббодан тортиб, турли шарбатдан,
Тайёрлангач бари ёзги неъматдан.
Қуюқ-суяқ учун ёқсангиз олов,
Беҳисиз бўлмасин дамлаган палов
Биз мамнун бўлайлик қази, қартага
Хуллас топганингиз қўйинг ўртага!
Тожихон, Дилбархон келсин Марҳабо
Ҳар бири самимий доно, дилрабо
Эн киши бўлса бас борган меҳмонлар
Суҳбатга кирмасин дили ёғонлар
Муқаддас онамиз дутор чалсинлар,
Ўйинчилар даврага шодлик солсинлар,
«Яллама ёрим»га бизлар бўлиб жўр,
Юзлар оловлансин юракларда қўр.
Лutfий, Нодирдан ўқийлик ғазал,
Муҳайёхон дуторни чертади гўзал,
Баҳри, байт айтайлик билганимизча,
Қта-оналардан кўрганимизча.
Шоду хуррам бўлиб ёғдирсак олқини,
Мендай дўстингиздан шудир бир хоҳиш!

НАЗОКАТ

Ҳикоя



Кўп тўким, кўп нозик табиат одамларни кўрдим. Буниси ўзгача: мулоимликдаям, тиҳирликдаям бошқалардан ажралиб туради. Белорус ўрмонлари келини — оқ қайин селини эмиб етилгани учунми, ёки... хуллас, оти — Станислав, ошина-оғайнилари эса, негадир, уни Стас деб аташни одат қилишган. Бўйдор, оқ магиз, камгап бу одам ёши қирқлар нари-берисидамикан: ҳай-ҳа-й-й, ишига нима етсин — қўли гул бинокор.

Асли дўстлигимиз урушдан бошланувди. Минскни озод қилиш жанглари кезида — 1944 йилнинг 3 июлида учрашиб қолгандик, ниҳолдай йигитча эди. Шу-шу то Берлинга қадар ёнимда юрди. Толемиз баландлигидан ўлимнинг хунук турқини тескари қилиб, у Минскка, мен Тошкентга қайтганимиздан кейин ҳам хат-хабарини узилмади. Жанг майдонида тутилган ака-укалик, садагаси кетай, ўзи бир олам.

Стасни Тошкентга чақирдим. Бир-икки марта қорасини кўрсатди. Аммо-лекин қисталанг жўнаб қоларди. Бир кунни, якшанба бўлсами, эрта кўклам хушеқар шабадасига кўкрагимни бериб ўтиргандим, жилмайиб кириб келди. «Ҳа, хувори?» десам: «Соғиндим. Хат-пат қилмасдан келавердим» жавобини қилди. Кулишди. Меҳмоним бўлди. Оқ қайин селидан келтирган экан, маза қилиб ичдик.

Чамамда бу гал кўпроқ туриб қолди. Уйга кеч қайтадиган одат чиқарди: баъзан шод, баъзан дилғир. Етоғида «Анна Павлова», «Галина Уланова»,

рақс-балет китоблари, қоши қалам, сочи тарам раққоса суратлари... Ҳайрон бўлдим.

Шу кунлари қуриб кетгур зилзила қозони қайнаб қолсами. Шаҳри азм бир зумда остин-устун, ҳамма ёқ вайрон. Ичимдан қиринди ўтди. Беш-олти кун тунниям ишхонада кечирдим. Оқшомлардан бирида уйга қайтиб, хотинимдан Стасни сўрасам, «Қайдам. Уша азонда кетганча дараклари йўқ» дейди. Тавба...

Тун оғушида Стас қораси кўринди. Авзойи ча-тоқ; озган, кўзлари ўйиқ, майиздай қорайиб кетипти. Салом-алик мулозиматидан сўнг индамасдан ётоғига йўл солди. Эр-хотини қараб қолавердик. «Юраги тоза-да, бошимизга ёнган оғат роса эзипти» хаёли кўнглимдан кечди.

Нонушта пайтида аста разм солсам, ҳаво ранг кўзлари тамом сўниқ, уҳ деса — ўпкаси кўринади. Гап ташладим:

— Стас, тинчликми ўзи?

— Тинчлик... тўрт мучалим соғ,— жавоб қилди дастурхон четини бука.

— Бирон жойи узилиб тушган одамдай кўринасан? Айт?

— Уста ака,— ялт кўзимга қаради Стас,— урушда ишга яровдимми?

— Э, хувори, яраганда қандоғ. Нима эди?

— Белоруссияга қайтмайман. Маъқул кўрсангиз, сизга шоғирд тушсам?

— Ҳм... Стас, бу аклни яхши ўйлабсан. Тошкентга лак-лак бинокор зарур шу чоқда. Аммо-лекин қисир булутликни қўй — устаси парангсан, биламан. Мусобақадош бўлсанг, бурнингни ишқа-ғудай ишлатардим. Нима дединг?

— Қўлни беринг, Уста ака.

Жомакорни иккита қила бинокорликнинг қоқ белидан чунон олдикки, қиё боқиш ҳаминқадар. Мана ўйсиз-жойсиз қолишган 400 минг чамаси шарҳликлар ҳам янги даргоҳ роҳатини кўришмоқда. Пойтахтимиз шинам қаддини кўтариш шукуҳи кундан-кун баланд. Зилзилага — чикора.

Индамас, ишнинг кўлами ва сифатига келганда ўлғудай қайсар Стасимиз ғайрати ҳаммашиқидан ортиқ, одамлар тилидан тушмайди. Унинг чапдаст-лик «срири»га калит топишолмасдан мухбирларимизам ҳалак. Бир — «Э-э гижбакабанг қивор-эй, шаввоз, санъаткорданам қийвординг-ку» деганимча теримга сигмайи кетаман, бир сўниқ қовоқларига қараб, хафақон бўламан. Халқ иззатидаю чехраси кулмайди-да, шом ҳамиша. Уша дамлардан бери ўзига келмайди. Қалб «парма»сини тополмай догман, зардам қайнайди.

Хирмони чостгоҳ яхши куз келди. Баҳри очилар ўйда далага таклиф қилувдим, Стас кўна қолди. Бир косадан якшанба қаймоғининг чангини

чиқара, Дўрмонни кўзлаб йўл олдик. Боғлар тиқ-қачадай, шира-шарбат оқмоқда. Заршунос манзара сархил жилоланиб киши кўзини қамаштиради, қулфи-дилни очади.

Хотинимдан айланай, масаллиғни бопта туғиб берган экан, Қорасув бўйида ўзи йўргалайдиган паловхон тўрани муҳайё қилдим. Қиттай-қиттайдан кейин ошни поққос тушириб, кахрабо чойни майдалаб ўтирган эдик, Стас гапга кириб қолди. Назаримда чеҳраям жилла ёришгандай.

— Уста ака, анови дарахт отини, олов ранг либосдаги, биларсиз?

— Буними? Гул дарахт дейдилар буни. Эрта баҳорда жигардай гуллайди, чиройи жуда антиқа.

— Беловеж пушчасида бўлгансиз-а?

— Насиб қилганди. Беқийёс манзил.

Бу дарахт ўша ердаги қарағайзорлар орасида-ям ахён-ахён учраб қолади.

— Юртингни соғинибсан, хувори.

— Юртини соғинмаган одам одамми, Уста ака. Лекин бу дарахт чиройи бошқа бир инсонни эсимга солди.

— Кимни?

— Гулнозни...

— Гулноз?! Сирингни сувга айтавермай, агар дўст бўлсанг, менга оч, хувори, енгил тортасан.

— Сир эмас, Уста ака, ҳаётим жавҳари... Тарихи катта.

— Ана холос, инчинун, катта тарих бўлса, эшитайлик-да, гапир?

— Бошқа киним ҳам бор, Уста ака, майлиз-гапирай.— Стас яхшилаб ўрнашиб олди ва хаёлчан давом этди сўзида.— Сизга йўлиққанымча партизанлар орасида юрдим. Урушнинг дастлабки зарбалари остидаёқ ота-онасидан етим қолган ўсмир қўлидан нимаям келардию, аммо, ҳарна, отим партизан эди. Отрядимиз Минск ёқасидаги ўрмонзор-

да ҳаракат қилар, мен эса махфий обком секретари Фиролович ертўласида яшардим. Енимиздаги иккинчи ертўлада доктор — бир ўзбек аёли митти қизчаси билан туришарди. Улар Минскда меҳмон бўлишган, немисларнинг селдай ҳужуми оқибатида партизанлар даврасига келиб қўшилишган экан.

Бир кунни қирғин жанг бўлди. Чекиннишдан ўзга чора йўқ эди шекилли, ярадорларни деҳқонлар кулбасига яшириб, жўнавордик. Ҳалиги аёл доктор ярадорлар ёнида қолди. Қизалогини ҳам берманпти.

Орадан бирон ҳафта ўтди. Фиролович топшириги билан ўша қишлоққа — ярадорлар ҳолидан дарак олиш учун отландим. Ўра-шўрада ялангликка чиқиб қарасам, атроф теп-текис, қишлоқ ўрнида бир ҳовуч кул. Дод деворчинимга сал қолди... Шамол қандайдир гўдакнинг чинқироқ ноласини етказди. Қулоқларимга инонгим келмайди. Нима бўлса бу? Бола овозими, ё қулоғим шангиллаяптими? Тушунмайман.


Босқинчи хунасалар ҳийласи эсимга келиб қолди, ҳа, бу пистирмадир деб ўйладиму изимга қайтмоқчи бўлдим. Бу тобда бола йиғиси... Юрагим тарс ёрилаёзди. Э, бўлганича-бўлар дея нола томон эмаклай кетдим.

Ярадорларни чапарастасига отиштипти. Бош мажақ, мурда онасини татаалаб қирнллаган қизалоқдан бошқа тирик жон кўринмайди. Тура болани даст кўтарганимни биламан, «Хальт!» деб қолди-ку. Ур-а қочдим. Уқ узишди. Орқамдан кўпнақларини солишди. Бола чинқиринини қўймайди денг. Зўрга ўрмонзорга етиб олдим-да, қизалоқ оғзига рўмолчамни тиқа кўён бўлдим. Денгиздаги балиқчимиз ўрмонда, тутиб бўпти бизни.

«Аттанг, яхши ўзбек аёли эди, — Фиролович кўп афсус қилди.— Сақлолмадик. Бу жажжи қизча бизга ундан ёдгор. Катта ердан самолёт келса жўнатармиз. Унганча ўзинг боқасан. Оти — Гулноз...»

Умримда бола боққан одам эмасман. Яна денг партизанлар калака қилишди: «Онаси, сут келаяптими?... ёки эчки-печки топайликми-а?», «Ўзиям кетворган онахон чиқди-да!» сингари ҳазилчилик қочирмалар чаккамга тегди.

Гулноз ёмон учинган экан, оғриб қолди. Иситмаси ланг. Алаҳлаб онасини чақиргани-чақирган. Нима қилишимни билмайман. Бахтимдан ўргилай, тузалди бир кун. Аста-секин бола шўхликлариниям чиқарди. Дўмбиллаб орқамдан югуринини қўймайди. Шалоладай учқур, қора мунчоқ кўзларида юлдузча ўйнайди, кўлдаги оққушлар сайрини, ўрмонзордаги паррандалар парвозини соатлаб томоша қилсам чарчашни билмайди денг. Бир нафас уни кўрмасам — туролмайман. Самолёт ҳам қўнди. Бўйнимдан маҳкам кучоқлаб, худди катталардай, «Стас, унутманг мени» деганича жўнади — кетди Гулноз. Кўзимга ёш келди расмана.



Рассом Л. Салимжонова.

Долзарб жанлар саросимасида унутгандай бўлдим. Кейин, 1944 йили сиз билан учрашдик, Уста ака.

— Балли, хувори, қаттол уруш бошимизга нималар ёғдирмади. Яктан, ялакат дил бўлганимиздан ғолиб чиқдик. Эндисига бизни букадиган куч йўқ оламда, укам. Хўш, давомидан ке, қулоғим сенда?

— Уста ака, киши тақдирда қизиқ қароматлар жилва кўрсатар экан,— яна сўз бошлади Стас.— Сиз қадрдонимни кўриш учун Тошкентга келганимда театрга тушувдим. Балет асарининг дастлабки сахнаси менга ёқинқирамади унча. Гўштдор, кепчик раққосалар жон ҳалак сакрашар, санъат мисқолидан асар ҳам йўқ. Эсиз вақт, кетсаммикан хаёлида ўтирган эдим, чўгдай бир кимса сахнага отилиб чиқса бўладими: ҳаракатларида шалола қаноти, нафосат сайқали, қуёш жилоси. Тараш қади-қоматини, суқсўр бўйинга усталик билан ўрнатилган бежирим бошини, хумор қарашларини айтмайсизми. Оёқлари-чи, ҳаётимда ёғоч оёқлардан кўп зерикканман, оёқлари охуниқидай. Хўш-сиз сахнагаям, лоқайд томошабинларгаям жон кирди-қўйди, санъат сеҳри барчани «зир» титратса-я...

Ким экан бу ўйида «Программа»га кўз ташласам, «...ролининг ижрочиси — Гулноз». Юрагим «шув-в» этиб кетди, бошим ғовлаган: «Ўшамикан?» «Йўғ-эй, бошқадир баъзида одам одамга ажаб ўхшаш кетади... Унда Гулнозлиги-чи? Бунга нима дейсан?..»

Асар тугади. Хаёл гирдобида жунжиқиб театрдан чиқдим. Шу кундан салт бошим — тинч қулоғимдан ажрадим денг. На ерга сизаман, на осмонга.

— Оббо, хувори, ётоқдаги... ҳалиги суратлардаги раққоса ўшамиди? Офати-жон-ку.

Спектаклини пойлаб, билетни театрининг биринчи қаторига тўриладим. Бу сафар унисидан ҳам ўтказворди. Ёнадия-ёнади. Санъат қудратининг жозибасидан шу-шу дамгача маҳрум эканман. Асар тугагач йўлига қўндаланг бўлувдим, «Стас!» деганича қучоғимга отилса борми. Ўзимни йўқота-ёзим. Уша — Гулноз. Хотиридан чиқазмапти қизи тушмагур.

— Ё қароматингдан, муниқара-я,— деб юбордим кўзларим ола-кун.

— Нимасини айтасиз, Уста ака... Гангур-гунгур суҳбатда уйига этиб қолибмиз. Бошимдан кечирганларим, унинг ҳаёти инга тизилди, сўнгра денг мен билан бирга Белоруссияга борадиган бўлиб қолди. Оназор қабрини зиёрат қилди, қизалоқлигида кезган ўрмонзорни қўриб қайтди. Тошкентга иккинчи бор келишимда кўришолмадик. Тўсатдан Ҳиндистон томон жўнашга тўғри келипти.

Белоруссияга қайтиб кўп ўйладим. Гулнозсиз ҳаёт мен учун дайди шамолга ташланган умрдай гап эканига имон келтирганимча олтимши олтининг апрелида яна Тошкентга қараб йўл солдим.

Ширин учрашув бўлди. Қўклам нафаси Гулноз юз-кўзларида ўйнар, бир ҳуснига — минг чирой қўшар, хаёлчан шўхлигини, ҳазилнамо ифатини ошириб-тоширгандай. Айниқса шу паллада ўз санъати ҳақида гапиришни, сербардош умидларига қанот боғлашни яхши кўрарди у.

25 апрелда туғилган кунини ўтказдик. Дугоналари, ёри-биродарлари йиғилишиб ерни кўкка кўтаришди. Сўнг иккимиз хаёл суришдик, режалар



Урганчадаги қурилиш техникумида кўплаб ёшлар ўқишади. Суратда: санаат-граждан қурилишлари бўлимининг 2-курс студенти, комсомол Азиз Отаназарова.



Н. Ключков фотоси
(ЎзТАГ фотохроникаси).

туздик. Вақт аллақанча бўлганидан мен чор-ночор кўзгалдим. Мулоим табассум қочириб, «Эртагача хайр» дея мени кузатиб қолди.

Қайтсам уйқу оромиде экансизлар. Оёқ учида ётоғимга кирдим. Қани энди кўз юмилса. Бир маҳал осмоннинг бир этаги «ярқ» этиб ёришди-да, ер остидан гўлгула кўтарилди. Хонадаги асбоб-анжомлар ўйинга тушар, нимадир «қарс» синди. Сачраб оёққа боссам, ер тарозининг икки палласидай лапиллайди. Сизларни омон кўрдиму Гулноз уйи томон чопа кетдим. Шаҳар «қий-чув», «Зилзила! Зилзила!» деган ҳайқириқлар, харобалар сон-саногои йўқ. Туртина-сурина этиб борсам Гулноз хонаси қоп-қоронғи. Эшик қўқидим, қўнғироқ бердим — садо чиқмади. Эшикни ёриб қира чироқни ёқдим: Гулноз ўринди, ёстиқ лола-қона, қимир этмади. Хона бурчагидан кўчган гишт парчалари уй билан битта... Ўзимни устига ташлабман-у ҳўшдан кетибман.

Зилзиланинг қайта гўлғуласидан ҳушёр тортидим. Гулноз қўли етган девордаги тирноқ чизикларига кўзим тушди: «Стас... унутм...»

...Гулнозимни кўмдик. Беш кун чамаси қабридан жилолмадим. Бу ёғи сизга аён, Уста ака...

«Ҳим-м...» деганимча тилимни тишлаб қолдим. Стас кўзларида жиққа ёш, қорайган тараша вужуди безгак тугган одам қиёфасида. Дўстим дарди ва забардаст меҳнатининг «сири» — Гулноз севгисига мос шаҳар яратиш экан. Инсон қалбининг қўрига, мундай назокатга минг бор жонингни тиксанг ҳам камлик қилади.

Тошкент. 7. X. 1967.



Янгийул районидаги Свердлов номли колхознинг участка Назира Иўлдошева теримчи Мунира Ҳайитбоева терган участкада бу йил 200 гектар ерининг ҳар гектарыдан 30

бошлиги, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати пахтани текшириб кўрмоқда. Унинг раҳбарлигидаги центнердан ошириб пахта етиштирилди.

Б. Мизрохин фотоси.



Л. Абдуллаев

«ТУРКИСТОН АЁЛЛАРИ ЛЕНИН ҲУЗУРИДА»

В. Пласин.

«ГУЛГУН БАҲОР».



ЗАФАРИМИЗ, КЎЗГУСИ

Ўзбекистон ССР rassomlarining Марказий кўрғазмалар зали ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Унда намоён қилинадиган асарлар ҳам ҳар қачонгидан бой, ранг-баранг ва сермазмун. Бу бежиз эмас албатта. Кўрғазма Ўзбекистон rassomlarining Октябрь 50 йиллиги юбилейига тўғнаси.

Кўрғазмага қўйилган асарларни мароқ билан томоша қиларкансиз, яхлит бир асарни ўқигандек катта таассуротга эга бўласиз: кечги ва бугунги кунимизни яққол кўрасиз.

Мана бу суратга диққат билан боқинг, Ўзбекистон ССР халқ rassomi Л. Абдуллаевнинг бу асари «Туркистон аёллари Ленин ҳузурнда» деб аталади. Аёлларнинг кўзларига боқинг! Бу кўзларда доҳийга бўлган муҳаббатингизга эмас, келажакка бўлган ишонччи, қалбларидаги жасорат ўтини кўрасиз. Бу аёллар улкан одимлар ташлашга қодир бўлган аёллар авлодини намоёндаси.

Кўрғазма сизни ана шу улкан аёллар, зафар одимлари билан ҳам таништиради. Мана парайжи ёшлариди, ilk дафъа қўлга қалам ушланди. Турксиб йўли, Фарҳод ГЭС қурилиши, аёл қўли трактор рулида, урушга кетган ёрнини кутиб кашта тикаётган келинчак, янги меҳнат қаҳрамонлари, сермазмун ҳаётимиздан, гўзал кизларимиздан илҳом териб шеър ёзаётган шoirа, қалби баҳор «Баҳор» раққосалари... Доҳий ҳузуринга борган туркистонлик аёллар учун шундай ҳаёт фақат оруз эди, доҳий уларни шундай бўлади деб ишонтирган эди.

Кўрғазмага борган киши тасвирий санъатнинг барча жанрларида акс эттирилган ана шу улкан зафаримизни кўзгуда кўргандек бўлиб, қалби гурурга тўлиб қайтади.

Журналимиз саҳифасидан ўрни олган асарлар кўрғазмадан айрим намуналар холос.



В. Ковинин.

«ЕШЛИК»



Филология фанлари кандидати Махбуба Қодирова.

ПОҒОНАНИНГ ЧЕКИ ЙЎҚ

Болалигини эсласа, унинг айрим лавҳаларини Нурхон ҳаётидаги эпизодларга ўхшатади. Яқин қўшнилари бўлган домланинг қизлари ота намозга кетиши билан дутор чалиб қўнгилхушлик қилишар, «кўк қўйлақчилар»дан эшитган қўшиқларни қуйларди. Махбуба ҳам пайт пойлаб уларникига чиқар, дутор чалишни, қўшиқ айтишни ўрганарди. Бир куни у, домланинг қизларидан дуторни сўраб олиб уйга олиб чиқди-да, эндигина черта бошлаган ҳам эдики, отаси келиб қолди. Қизининг қўлидан жаҳл билан дуторни юлиб олдию, бир уриб чил-чил қилди. Дутор чил-чил бўлди, аммо қиз қалбидаги нафосатни, гўзалликка интилишни синдиришга ота ожиз эди. Бу тасвирланган давр инқилобдан ўн йилларча кейинги давр бўлса-да, унинг елкасида ҳали ўтмиш сарқитининг юки оғир эди. Қизча янги мактабга қатнар, отасининг кўрсатмаси билан отинбувниқига ҳам чиқиб ўқирди.

Махбуба учун у вақтларнинг энг беғубор, энг қадрли хотираси онаси эди. Соҳиба опа мактабга паранжи ёпиб чиқиб кетаётган қизини кузатиб чиқар ва нарироққа боргач, унинг бошидан қора чимматни олиб қоларди. Унинг келажаги ёрқин бўлишини истаб шундай қилдим-

кан, ёки шу келажакка қизининг губорсиз кириб боришини истаб шундай қилдимкан маъсума она? Қизчанинг кетдан тикилиб қолиб, унинг эл ҳурматига лойиқ инсон бўлиб етишинини, ҳаёт поғоналаридан дадил кўтарилишини истарди оназор. Бу поғоналар оназор кутгандай уни юксакка олиб чиқди, лекин чиққунча Махбуба-хонга қанча ташвиш, қанча қувонч, қанча-қанча дадил орзулар бахш этди. У отинойдан арабчани ўрганди, шу вақтнинг ўзидаёқ ҳам араб алифбесида, ҳам латин алифбесида кўчирилган Навоий, Лутфий, Фузулий, Бобир, Зебунисо ғазалларини ўқирди.

Оилада бош бола бўлган Махбуба отаси вафот этгандан сўнг рўзғорга ёрдамлашишга мажбур бўлади. У стенография курсини тамомлаб Фанлар комитети қошидаги А. С. Пушкин номли тил ва адабиёт институтида стенографистка-секретарь бўлиб ишлай бошлади.

Институт адабиётшунослар, шоир ва ёзувчилар штаби эди. Адабиёт аҳли орасида Махбубанинг шеърятга бўлган муҳаббати яна ҳам ошди.

— Синглим, сен ўқиниш керак, жуда керак,— деди олим Отажон Ҳошим.

Қувонч устига қувонч

Партия ва ҳукуратимиз колхозчиларни пенсия ва нафақа билан таъминлаш ҳақида қарор чиқарадана қанчалар қувонган эдик. Партияимизнинг юбилей арафасида қақирлаган сентябрь Пленуми ҳужжатлари севинчимизни яна ошириб юборди. Колхозчи аёлларга пенсия ёши эллик беш ёшдан белгилаибди.

Биз оналарга бўлган ғамхўрлик тантанаси ҳам ана шу Пленум қарорларида яққол ифодоланди. Яъни беш ва ундан ортиқ фарзанд кўриб, уларни тарбиялаган оналар эллик ёшдан пенсияга чиқиши мумкин.

Бизнинг колхозимизда Пленум қарорларидан манфаатдор бўлаётган юзлаб оналар бор. Мен ўзим олти болаимиз онасиман. Бир неча йиллардан бери колхоз сут товар фермасида ишлаб келаман. Юбилей йилида 30 тонна сут соғиб олишга аҳд қилганман. Албатта уддасидан чиқаман.

Ҳадемай пенсияга чиқаман, болаларим билан фарғатда умр кечираман. Ҳозир ҳам болаларим боғачасида, мактаб кўчоғида, меҳнатни ағашти, оиламиз бахтиёр.

Ҳа, қувончимизга қувонч қўшаётган партия ва ҳукуратимиздан чексиз миннатдоримиз.

Саодат ЖАЛИЛОВА,

Олтиариқ районидаги «Намуна»
колхозининг сут соғувчиси.

Мақбуба тўқимачилик институтига ўқинишга кирди. Бу ўқинишни битириб ишлаш бошлагандан кейингина, ўзининг майли адабиётшунослик эканини англади у. Ойла, икки бола бу истак йўлида гов бўла олмади. Мақбуба Қодирова яна беш йилдан сўнг Ўрта Осиё давлат университетининг шарқшунослик факультетини тугатди-ю, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтига йўл олди. Бу ерда у етуқ олимлардан таълим олди, билмаганини сўради, тинмай ўз устида иш олиб борди.

У институт адабиёт музейида қўлёзмадан бўлимида ишлаш бошлади. Музейда сақланган нодир асарлар орқали кимлар билан сирли ҳамсуҳбат бўлмади у.

Ҳа, ўтинишда неча-неча сўз соҳиблари, дил торларини чертучи адиблар қалам тебратинган, байту ғазалар битишган. Аммо жаҳолат ҳукми сурган, «азизларнинг боши ерда денсалган» замонда уларнинг ижоди оёқ ости қилинди, қанчадан-қанча ноёб асарлар ўтда куйдирилди, қўлёзмалар йўқ қилиб юборилди. Мўхтарам ёзувчиларимиз академик Ойбек татбири билан айтганда, бу ҳуқуқсиз, чексиз жафод кўрган мазлума шонраларнинг асарлари уларнинг бахтсиз тақдирлари бўрониди йўқ бўлиб унутлиб кетган.

Уларни ахтариб топини, тўплаш, нашр қилиш керак, токи халқ ўз истеъдодли қизлари ижодидан хабар топсин, фахрлансин.

Бир куни Мақбуба Қодирова Нодира бегимнинг ҳаёти ва ижоди ўзини, айниқса қизиқтиргани, шу борада илмий тадқиқот ишлари олиб бориш ниятидалигидан сўз очиб қолди. Кўпчилик олимлар бу фикрни қўллаб-қувватлашди, йўл-йўриқлар кўрсатишди.

Нодира. Эзилган маъсума хотин-қизларнинг жўшқин юрак туйғулари, орзу-умидларини юксак маҳорат билан қуйиб, илгор фикрларини таранум этган, ўзбек адабиётининг истеъдодли намоёндаларидан бири Нодира. Ожизалар учун ўқини ва ёшиш ғуноҳи деб ҳисобланган бир вақтда Нодира зўравонликка қарши овоз кўтаради. Иттифоқ бўлиб яшашга, эл-юртда тинчлик, осовишталик ўрнатиниша қақирадиган ғазаллар ёзди. Ғазалари билан шўҳрат қозонган Нодира сўз санъатининг нафис намуналарини яратди, аёл киши юрагининг эзгулиги, эркинлиги учун бўлган интилишини жозибдор, рангдор ғазалларда қуйди. Бироқ икки тилда — ўзбек ва форс-тожик тилларида баравар қалам тебратган шoirа Нодиранинг ижодий мероси фақат бир томонлама ўрганилган, адиба ижодининг катта қисмини ташкил этган форс-тожик тилидаги ғазаллари адабиётчиларимиз эътиборидан четда қолибди. Мақбуба Қодирова ана шу муаммонинг изига тушди.

Мақбуба Қодирова шонранинг ҳозирча маълум бўлган фақат бир девонини ўрганиб чикди. Шoirа бу шеърлар тўпламининг муқаддимасида Қомила тахаллус билан ғазалар битганини ёзди. Аммо шу вақтгача унинг бирон ғазалида бу тахаллус учрамаган эди. Демак, излаш керак. У йирик тарихчи олим академик Яхё Ғуломовнинг маслаҳатига кўра, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих музейининг архивиди сақланаётган бир қўлёзма билан танишиб чиқади. Бу Фазлий деган шoirанинг XIX аср ўрталарида кўчирилган шеърини тўпламини эди. Ана шу тўпламининг охириги саҳифаларида Нодиранинг Қомила тахаллус билан эзилган бир қанча ғазали бор экан.

Олима шoirа Нодиранинг мукаммал шеърлар тўпламини излаш мақсидида Фарғона водийсини кезиб чикди. У водийнинг тарихга бой шаҳарларини кўрди, фозил кишилар билан суҳбатда бўлди. Наманганлик шoir Нодимнинг ўғли Мусалламхон Бобоқоновнинг шахсий кутубхонасида сақланаётган қўлёзмами арақлар экан, олиманинг қувончи чексиз эди. Нодиранинг бу шеърлар тўпламинда талайгина янги, теран мазмувли шеърини дурдоналар, ширинкалом Навоий ва Бедил ғазалларига мухаммаслар, Қомила тахаллус билан эзилган ғазал бор эди.

Бир куни Мақбуба Қодирова профессор Азиз Қаюмов тавсиясига кўра Нодиранинг замондоши Увайсийнинг «Водеоти Муҳаммадалихон» номли шеърини яққолини ўқиб туриб, қизиқ бир фактга дуч келди: бу асарда Нодиранинг Мақнуна деган яна бир тахаллус борлигига ишора қилинади. Бу хабар, таъбир жоиз бўлса, хақининг қалини бўлди — шoirанинг XIX аср охирида кўчирилган бу Мақнуна тахаллус билан тожик тилида эзилган беш минг мисралар ортиқроқ ғазалини ўз ичига олган мукаммал девони топилди. Мақбуба Қодирова бу асарнинг муаллифи Нодиранинг ўзи эканигини илмий далиллар билан исботлади. Бугина эмас, у Нодира ўзбек тилидаги ғазаларида «Қомила», форс-тожик тилида эзилган ға-

залларида «Мақнуна» тахаллусига эга эканигини ҳам ойдинлаштирди.

Мақбуба Қодирова Нодирабегимнинг фақат сермазми ижоди борасидигина эмас, балки зулматда юлдуздек қақнаган бу соҳиб қаламининг ҳаёти устида ҳам изланишлар олиб борди.

Олиманинг иш кабинетидидаги жовонда олиманинг меҳнат маҳсули — ёзган китобларидан намуналар бор. 1963 йили босмадан чиққан Нодира «Девон»и осовликча тўпланмади. Шoirанинг битта янги ғазалини топанг қуни катта байрам эди олима учун. Қанча музейларни, архивларни кўрди олима, Уларни топангунча, қанча олимларнинг эътирозларига дадил туриб берди.

— Утинишда шoirатбаит аёлларимиз кўп бўлган. Шoirа Нодирабегим атрофида ҳам талайгина шoirалар тўпланган бўлиши керак. Лекин давр уларнинг овозини ташқарига чиқармаган. Сирлари, ғазаллари ўзлари билан кетган. Ахир шундай қулай шаронга эга бўлган Нодиранинг Мақнуна — (Махфий) тахаллус билан шеър ёзгани ҳам бежиз эмас. Замон ҳатто унинг ғазалларига ҳам қотиллик қилган.

Сирлар, ўйлар олимани ҳамон изланишга чорлайди. У XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида ижод этган қалам соҳибаларининг ҳаёти ва ижоди устида тадқиқот ишларини бошлаб юборди. Изланиш эса самарасиз бўлмади.

Шoirа Муаззамхон, Ҳабибахонларнинг ғазаларини топини, нашр қилиш, Увайсий ва Нодира муносабатини ёритини, Нодира онаси билан мукаммал танишини — олиманинг ҳозирги кунда олдига қўйган мақсоди шулар.

Илм поғоналарининг чеки йўқ. Филология фанлари кандидати, истеъдодли олима Мақбуба Қодирова бу поғоналарни дадил босиб ўтипти.

Ҳ. НУРМУҲАМЕДОВ

ҚЎҚОНДА ШОДИЁНА



Дугоналар жуда соғинишиб қолишган экан.

Тўкин куз бор неъматини дастурхонда кўз-кўзлаётган пайт. Одатда бу пайт элимизда тўй яна ҳам кўпаяди. Севишганларни қовуштирадилар, қўшақариганларнинг кумуш, олтин тўйларини ўтказадилар.

Бирок, биз эътиборингизга ҳавола қилаётган тўй одатдаги тўйларимиздан бўлақча. Келинг, яхшиси бизга ҳамроҳ бўлинг, уни биргалашиб кузатайлик.

Кўҳна Қўқон шаҳрининг Муқимий номи билан аталмиш истироҳат боғи одатдагидан гавжум. Атроф дид билан безатилган. Дарахтлардан дарахтларга тортилган қизил алвонларга халқимизга эрк, бахт берган партияни шарафловчи сўзлар ёзилган. Шаҳар меҳнаткашларининг Октябрнинг эллик йиллик тўйи арафасида қўлга киритган ютуқларини намоиш этувчи диаграммалар, ишлаб чиқариш илғорларининг ҳамда кекса коммунистлар портретлари — ҳамма-ҳаммаси боғ чиройига чирой қўшиб турибди.

Атрофга боқамиз. Қувноқ хандалари билан бу сўлим боғни тўлдириб юрганларнинг кўпчилиги хогин-қизлар. Биз уларни номма-ном санай олмаемиз. Улар жуда кўп: Муҳими, бахтини меҳнатдан топган, меҳнаткаш аёллар.

Ҳа, улар Октябрь революцияси йиллари — ҳокимиятни тиклаш, мустақамлаш, қўлоқларни синф сифатида тугатиш, коллективлаштириш, саводсизликни битириш, хотин-қизлар озодлиги учун бўлган курашларда жон олиб-жон берган аёллар. Улар Улуғ Ватан уруши йиллари эркаклар билан елкама-елка жанг қилган, фронт орқасида туриб, меҳнати билан галабага салмоқли ҳисса қўшган аёллар, коммунистик жамиятнинг актив қувчилари.

Боққа кираверишда карнай-сурнай, ноғара базми авжида. Даврадагилар чапак чалишяпти, ўрта ёшлардаги бир аёл ишва билан рақс тушяпти. Юрагида ўти бор экан, оёғининг энгил кўчишини қаранг-а! Ҳақ гап, ўтти, шудли аёл у. Шунинг учун ҳам бўйлари барваста, қорачадан келган, истарали бу аёл бой ва руҳонийлар фитнасида кўрқмай, ёшланиданок хотин-қизлар озодлиги учун курашган. Улуғ Ватан уруши йиллари ўз санъати билан жангчиларни галабага илҳомлантирган.

Бу аёл Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Сабохон Каримова.

— Сабохон етти ёшиданоқ бизга ёрдам берарди, — деб эслайди хотин-қизлар озодлиги курашчиси ўртоқ Саркисова — унинг ёқимли ўйинлари маҳалла хотин-қизлари орасида ўтказган йиғинларимизга файз киритарди.

Сўрида Сабохон опа ҳаракатларини жилмайиб томоша қилиб ўтирган нуруний аёл — Владимир Ильич Ленин билан суҳбатда бўлган Тўраҳон ая Иброҳимова. Аянинг ҳамсуҳбатлари — Ўзбекистон хотин-қизлари орасидан етишиб чиққан биринчи министр Марям Исломова, босмачилардан кўп озор кўрган, ёлғиз қизи

Вера Ватан урушида қаҳрамонларча ҳалок бўлган жабрдийда аёл — Наталья Васильевна Зозвонова, Фотима Йўлдошбоева.

Ана, Сабохон опа елка қоқиб келиб ёшгина жувонни ўйинга таклиф қияпти. Жувон ҳам ортиқча мулозамат қилиб ўтирмай, қўлоч ёзади. Урта бўйли, эғнидаги сариқ атлас кўйлаги ўзига ярашиб турган бу аёл шу анжуманининг — шу тўйнинг ташкилотчиларидан — Қўқон педагогика институтининг ўқитувчиси, шаҳар хотин-қизлар советининг раиси Зухраҳон Калонхўжаева.

Сал наридаги азм дарахт тагига қўйилган скамейкада яна бир гуруҳ аёл ўзаро гурунглашиб ўтиришибди.

Булар сочлари кумуш тус олган, давримизнинг ҳурматли кексалари — пенсионерлар Мунаввархон Саримсоқова, Иззатой Мавлонбекова, Бўрихон Ризаева, Турсунбой Отажоновна ҳамда шаҳар педагогика билим юртининг директори Ленин орденли Ўғилхон Асқарова.

Ўғилхон опа ҳам суҳбатдошларни каби кўпни кўрган, биланган аёл. У шу кунни ўтмишидан бир воқеа айтиб бериб, роса кулдирди ёшларни.

— 1926—27 йиллар эди, — деб гап бошлади у. — Окружкомдан мени Каптархона қишлоғига ўқитувчи қилиб юборишди. Ўшанда 16—17 ёшли қиз бола эдим. Эшикма-эшик юриб ўқувчи излайман. Қизларни мактабга тортиш жуда қийин эди, у пайтлар. Бунақанг очиқ юришлар қаёқда. Ишонсангиз, бутун бошиқ қишлоқда фақат мен паранжисиз юраман. Қишлоқдаги катта ер эгаларининг, руҳонийларнинг мени кўргани кўзлари йўқ. Эсласам кулгим келади. Кўрсангиз, улар мендан қочишади. Кўча-кўйда йўлиқишиб қолсак, чопонлари барини юзларига пана қилиб ўтишади.

Мана энди ўрта маълумот одамларимизни қаноатлангирмай қўйди. Ҳар янги ўқув йили қабул вақтида, институтларимиздаги ҳар бир ўринга камида 5—6 тадан ариза тушади. Давримиз шунақа — пролетариат доҳийси Владимир Ильич Ленин «Ўқи, ўқи ва яна ўқи» деган вазияти амалга ошган давр...

Боғнинг нариги томонида қўшиқ жаранглайди:

Кўнглим қошонасин бўлиб
меҳмон,



Ҳалима Азизқориева.



— Бахтимиз учун курашганларни сира унутмаймиз, — дейди Сорахон Қўлдошова.

Богимда бу оқшом жонин
ўйнасин.
Гулдай чиройига бўлай садага,
Очилиб-сочилиб чунон ўйнасин.

— Тўйимиз тўйдек бўлсин, ўйланг, Чинниҳон опа, ўйланг, — дея қарсақ чалишарди қизлар.

Куйга куй уланди. Кўнгиллар яйради, завқ олди.

Боғ «юлдузлари» порлаши билан ҳамма катта майдонга қўйилган столлар атрофидан жой олади. Ана, ўртароқдаги столлардан бирида тарих фанлари доктори Раҳима Аминова, таж-

рибали педагоглар Маҳбуба Аббосова, Ҳалима Азизқориева ўтиришибди.

Ҳалима опа қарийб чорак асрдан буён шаҳардаги 6-ўрта мактабда илмий бўлим мудири, ҳозир директори бўлиб ишлайди.

Педагоглар олдига бир аёл даста гул қўйиб кетди. Билишимизча у, Ҳалимаҳон опанинг собиқ ўқувчиси — Қўқондаги атлас фирмасининг директори Хикматой Шокирова.

Ўртоқ Шокирова бошлиқ фирма ишчилари Октябрнинг эллик



Булар тўйга келсаларни ҳурматлаб келишган.

А. Сторман фотоси.

йиллик тўйини зиммаларига олган шахсий мажбуриятларини бажариш билан кутиб олдилар.

Президиум столига таклиф қилинганлар орасида Фарғона область партия комитетининг бўлим бошлиғи Сорахон Қўлдошова, Усмон Юсупов номли боғдорчилик совхозининг директори Тожиҳон Шодиева ҳам бор. Бир четда уларни ҳавас ва қувонч билан кузатиб ўтирган пенсиянер Меливой ота Абдуллаев ўйлар эди: бундан эллик йил муқаддам фақат тўрт девор орасида яшаб, уй чўрилигидан нарига ўтолмаган аёл — бугун ҳукумат бошлиғи, катта хўжаликка раҳбар, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Дунё кенг энди уларга.

Ўз тақдирини, бахтини ўзи яратган аёллар. Бироқ, бу бахтни улар осонликча қўлга киритганлари йўқ. Курашдилар, қон тўқдилар, қурбонлар бердилар. Зебинисо, Хосиятхон, Жамилахон, Нурхон, Турсуной — бугун бу озодлиқ қурбонларининг номлари қайта-қайта тилга олинди.

Шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ Козимов микрофон олдига келади. Секретарь кечага йиғилган уч авлод — уч давр қаҳрамонларини учрашув тўйлари билан табриклайди ҳамда Қўқон хотин-қизларининг қўлга киритган, киритаётган меҳнат ютуқларини қисқача шарҳлаб ўтади.

Нотиқ сўзини тугатиши билан майдонга қип-қизил галстук таққан пионерлар кириб келади. Оналар бахтиёр болалар табригини қувонч ёшлари, қарсақлар билан кутиб олади.

— Оналаримизнинг ҳаёт йўли бизга намуна, — дейишарди улар. — биз Сизлар курашиб олиб берган бахтимизни аъло ўқини, ҳалол меҳнатимиз билан ардоқлаймиз, эҳтиёт қиламиз.

Қўқон шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитети ва шаҳар хотин-қизлар совети ташаббуси билан ўтказилган уч авлод хотин-қизларининг дийдор кўришиш тўйлари икки кун давом этди.

Октябрь байрами арафасида ўтказилган бу тантана унинг қатнашчилари қалбидан чуқур жой олди. Ватан, халқ учун қилинган меҳнат ҳеч қачон унутилмаяжгагини яна бир бор ҳис қилди улар.

Ўғиллой ЮСУФҶОНОВА.

ҒУВБОР ҚОЛМАСА

Бир кафт бугдой ерга сочылганда инсон жеднаги на қуёш тафти билан ер сийнасини майса чодирига буркаса, инсоннинг қалб майдонига экилган орзу чаманлар бунёд этади. Орзу ҳам, бугдой ҳам Ўзидан ўзи кўкармайди, албатта. Гулжаҳоннинг ҳаёт йўли бунга мисол.

Нур ва ҳурлик тимсоли Октябрь билан тенгдош қиз Гулжаҳон ҳам, ҳозирги ўз доктор дугоналари Тожиҳон Шокирова, Хурн Мунавварова, Хайра Нажмиддинова, Тожи Отаева, Шарифа Шокирова каби Тошкент хотин-қизлар педагогика техникумини аъло битираб, шифокорлар дорилфунунига ошиқди... Касалданб она қизининг Ўрта Осиёда ягона медицина олий ўқув юртига имтиҳонлардан юзи ёруғ бўлиб ўтиб, қоқилмай кирганидан ўзини қўярга жой тополмади.

«1 Май» бошланғич мактабидан ўқиб юрганида, қизил ярим ой эмблемаси туширилган санитар сумкаси билан уйга кириб келган чоқларда Матрифат хола қанча қувонган бўлса, анатомия фанининг практикаси вақтида институтдан қалда суякларини олиб келиб, лотин тилидаги отларини ёдлаб, ҳафталаб қийналганида, она қизига раҳми келди. «Ойижон, катта бўлсам, дўхтир бўлайми?» деганида: «қошқийди қизим» деб, ёнин олганига ич-ичдан пушаймон қилди. Ҳолва деган оғиз чучмайди, деганларича бор экан. Ҳаваснинг ўзи кам экан орзуга етишмоққа...

Гулжаҳон онасига таскин берди. Беш йил қаттиқликка чидади. Рус тилида ўқилган лекциялар ҳам унга катта ёрдам берди. Профессорлардан терапевт М. И. Слоним, рентгенолог С. А. Молчанов, Л. Д. Василенко, физик Саид Румийларнинг лекциялари Гулжаҳонни ажойиб тиб оламига даъват этди... Бўлажақ ҳақима илмга қаттиқ ёпишди. Студентлик йилларида болалар уйларида тарбиячи, ҳамшира, врач сифатида педагогик тажриба ола борди...

1939 йилда Ўрта Осиё медицина институтининг даволаш факультетини имтиёзли диплом билан битирган Гулжаҳон Икромовани аспирантурада олиб қолишди... Бир йилдан ошиқ у институтнинг патологик физиология кафедрасида профессор Терехов қўл остида илмий ходим бўлиб ишлади... Лекин Гулжаҳон республикамизнинг шаҳар, қишлоқларида врачларга бўлган талаб ва даъватни ҳис қилар, қишлоққа талпинарди. У ёруғ дарс-

хонани, тажриба орттирадиган катта шифохоная тарз этди.

«Одам бўламан десанг, халқнинг қайғусига қайғудош, севиңичга шерик бўл, қизим. Ҳеч манманликка борма» деб уқтирадур онаси. Гулжаҳон Пискент районига йўланма олди... Янги ҳаёт, ажойиб одамлар, янгица муносабатлар муҳитиё қадам қўйди ёш ҳақима... Уни райондаги «болалар ва оналар консултация»сига ишга олишди. Кўп ўтмай унинг иш режаларига ногихоний уруш ўзининг қаттиқ тахририни киритди. Эрак зоти борки, фронтга кетаверди... Гулжаҳон Пискент район касалхонасининг ҳам даволовчи, ҳам бош врач бўлиб қолди... Бундан ташқари ўн уч кишлоқ советининг кузатувчи врач у. Кундузи чошгоҳгача район касалхонасида касалларни кўриб, уларга дори-дармонлар тайинлаб, дадлага жўнард.

Ўша машғум уруш йиллари икки ғилдиракли файтунда офтобда қорайиб кетган бир қизни учраттарди. Оқшомлари, ярим кечада уни йўқлаб келган одамларни ноумид қайтармасди.

Уруш курсини. Ўша йиллари касал ҳам уруғлаб кетди. Унинг устига дори-дармон етишмайди. Айниқса районга уруш етимларидан 600 бола келтирилганда, Гулжаҳоннинг шифохонаси фронт госпиталига ўхшаб кетди... Қўли-қўлига тегмайди.

Гулжаҳон етти йил давомда Пискент ва Оржонкидзе районларида қўли энгил ҳақима сифатида тилга тушиб кетди.

1951 йил, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач Гулжаҳон Икромованинг камолот босқичига алоҳида ёзилди. Ўн бир йил болалар ва оналарга шифо шуъласини таратган Гулжаҳон медицинадаги янги соҳа — онкология (шин-ўсма касалликлари) бўйича мутахассисликка

УНИ ҲАММА ТАНИЙДИ

Тошкент областидаги истаган кутубхонангизга кириб: «Минигул Юсуповани танийсизми? — десангиз. «Область кутубхоналар коллекторининг бўлим бошлиғиними? Таниганда қандай!» — дейишади сизга.

Дарҳақиқат, Минигулни кўпчилик танийди. Ишчанлиги, ширинсуханлиги, тadbirkorлиги билан одамларга яқин у. Кунда улардан қанча-қанчаси билан жавобмуомалада бўлади. Сўзларига қулоқ солсангиз, гап мавзуи фақат китоблар ҳақида.

— Достоевскийнинг иккинчи, тўртинчи томларини албатта топиб берамиз.

— Сизнинг кутубхонангизга кунга неча китоб жўнатдик.

— Ҳисобда ортиқча пулларингиз қолган экан. Ушанга мана


шу рўйхатдаги янги китобларни ўтказасак, нима дейсиз?

— Сизга стеллаж ажратиб қўйдик.

Минигул кутубхоначиларнинг талабларини қондириш учун бор имкониятларни қидиради. Қисқа-си суҳбатдоши унинг олдида мамнун ҳолда кетишига эришади.

Бундай суҳбатлар устига хат-хабарлар, телефон кўнгироқлари... Минигул областдаги 2500 кутубхона ходимлари билан доимий алоқада. Қайси кутубхона коллекторга қандай китоблар заказ қилган, қанчасини олган, яна нималар юбориш керак, коллекторнинг ўзида қандай китоблар бор-у, қай бирлари йўқ — бари беш қўлдай аён Минигулга.

Бунинг устига областда янги кутубхоналар очилади, уларни



Минигул Юсупова.


ДЕЙДИ...?

қизиқиб қолди. Бу жуда оғир, масъулиятли ва нозик шифо майдонига сидқидилдан кириб келишига нима сабаб бўлди?

— Одамларни жуда яхши кўрганымдан янги соҳага ўтдим. Уларнинг энг оғир дардидан халос этишга аҳд қилдим. Тошкентдаги врачларнинг малакасини ошириш институтининг онкология кафедраси клиника-орденатурасида икки йил таълим олдим,— дейди онколог-рентген-радиолог Гулжаҳон Икромова.

Бу ғалати илмни тез ўзлаштиришда рентген-терапевт Лидия Александровна Дунаева уни ўз қизидек севиб, ёрдам берди. Рақ касалликларининг рентген нурлари билан даволаш мутахассиси бўлиб етишган Г. Икромова 1954 йилда радиологдан (атом энергияси нурлари) малака ва мутахассислик орттириш учун Ленинградга кетди. Аввал жуда қийналди. Чунки бу медицина илми физиканинг сирли-асрорини чуқур билишни тақозо қиларди. Матонатли ҳақима бу сафар ҳам ғолиб чиқди. Ички органлардаги рақ касалларини радиоактив нурлари билан даволовчи ҳақима бўлиб қайтди, янги препаратларни ишлаши йўлларини ўрганди. Қорин бўшлиқларида, меъдада, ўпка, томоқ, қулоқ, жағ, тил, бурун, лаб, юздаги бедаво «усма»ларни, шунингдек юздаги ангиом (туғма доғлар) — ворларни, катта холлар)ни бартараф қилишдек касбининг сохибаси бўлди... Ленинграддан келгач, республика соғлиқни сақлаш министрлигида районлараро радиолог-онколог қилиб тайинланди.

Истеъодли ҳақима Гулжаҳон Икромова ўн олти йилдан бери республика онкология диспансерида радиология бўлимини бошлиғи, давловчи врач бўлиб хизмат қили келмоқда... Шу ўтган йиллар давомида жуда кўп умидсиз беморларни ажал чапғалидан қутқариб қолди. Операциясиз, дори-дармонсиз, фақат телегамма орқали



Гулжаҳон Икромова беморни рентген нурлари билан даволайди.

Б. Мизрохин фотоси.

радиоактив нурлари билан даволаш соҳасида яхши тажрибага эга бўлган олима ҳозир академик Л. Ф. Ларионов раҳбарлигида меъда ва ўпкадаги рақ касалликларини кимёвий йўл билан даволаш бўйича илмий иш ёзмоқда. Бу соҳада йигирмадан ортиқ илмий асари нашр этилди. Москвада ўтган бутун дунё онкологларининг саккизинчи конгрессида иштирок этди. Болгарияда чақирилган рентгенолог-радиологларнинг 1-республика конференциясига таклиф этилди, ўша ерда илмий мақоласи босилиб чиқди.

Камтарни, ширинсухан, ижодкор олима ва ҳақима Гулжаҳон Икромова йигирма етти йилдан бери халқ хизматида. Одамларни саломат, бахтиёр кўрмоқлик — мудоси... Ниқоли билан тенгдош ўзбек қизининг бахти — эл бахти билан чамбарчас боғланган. Баҳор ёмири гуллар баргидаги губорни ювгандек, Гулжаҳон ҳам одамлар кўнглидаги жароҳат тўзонидан губор қолдирмасам дейди.

ЁНГИН МИРЗО.

китоблар билан таъминлаш керак ёки кутубхоналардан Минигул Юсупова номига буюртмадан ташқари қўшимча китоблар сўраб хат ёзишди. Дарҳол талабни қондириш керак. Баъзида шундай ҳам бўладики, сўралган китоблар китоб базасида бўлмайди, магазинлардан эса топшиш мумкин. Ваҳоланки, китоб дўконларида туриб қолган бу китобларга кимлар қаредадир талабгор. Шунинг учун Минигул фақат кутубхоналар билангина эмас, китоб магазинлари билан ҳам доимий алоқада бўлади. Уларга тез-тез бориб туради. Туриб қолган китобларни олиб, коллектор орқали талабгорларга тарқатади.

Шуларни ўйлар экансан, Минигулнинг одамлар билан алоқа доираси қанчалар кенглиги беихтиёр сени тўлқинлантиради.

Шундай, Минигул одамлар билан ҳар онлик алоқада. У область кутубхоналар коллекторининг бўлим бошлиғи сифатида китоб мухлислари талабини қон-

дириш, кутубхоналарнинг китоб фондиди бойитиш ҳақида мудом қайғуради. Унинг ҳузурда ақалли бир неча минут бўлсангиз ҳам, ўз ишининг қанчалар омилкори эканини дарҳол ҳис қилиб оласиз. Коллекторда нима кўп — китоб кўп. Соҳалари ҳам ҳар хил. Бир саноатга, бири қишлоқ хўжалигига, бири бадий адабиётга оид. Уларнинг бари билан Минигул таниш. Китоб автори, баҳоси ҳақидаги Минигул сўзларини эшитиб, ҳайратда қоласиз. Шунча нарсаларни қандай қилиб хотирида олиб қоларкин-а, дейсиз. Таажубланманг. Бу хислат ўз касбига бор меҳрини қўйган одамларга хос бўлади. Минигул шундайлардан. Китобни бор вужуди билан севади у. Ешлигиданоқ китобга ихлос қўйган. Шунинг учун ҳам касб танлаш пайти келганда Минигул ҳеч иккиланмай Тошкент маданий оқартув техникумига ўқишга кирди. Уни битиргач, область кутубхоналар коллекторидан библиограф бўлиб ишлай

бошлади: китобларни соҳаси бўйича гуруҳлаб, улар ҳақида қисқа-қисқа маълумотлар ёзиш билан шуғулланди. Ишлаб туриб сиртдан ўқиди — Тошкент педагогика институтининг кутубхоначилик факультетини тугатди.

Коллекторнинг ҳозирда Минигул бошқараётган иккинчи бўлими ходимларидан кутубхоначилар жуда мамнун. Уларнинг иши юзасидан буюртмачиларнинг бирор марта шикоят қилганларини билмайсиз. Бўлимнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичи ҳам юқори. У ойлик ва квартал планларини мунтазам 150 процентга етказиб адо этмоқда. Бунда Минигулнинг китоб магазинларини кезиб юриши ҳам, нашиётларнинг планлари билан олдиндан танишиш, улардан кутубхоначиларни хабардор этиши ҳам, буюртмаларни ўз вақтида юбориш учун жонкуярлик қилиши ҳам ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Касбини дил-дилидан севиб ишлайди Минигул.

О. ОРТИҚОВА.



Шоир Қуддус Муҳаммадий болалар орасида.
Б. Мизрохин фотоси.

Биз топшир- ган темир- терсақлар не бўлдийкин?

Катта заводга кетган
Доминада эриб кетган.
Ҳаммасига жон кирган:
Қора мойдан қон кирган.
Биттаси зўр трактор,
Полвон автомат мотор
Биттаси «Чайка» ялт-юлт,
Биттаси «Ту» самолёт.
Бири перо ингичка —
Ҳаммаси кирган кучга.
Бири заводда ишлар,
Бири қолхозда қишнар,
Бири қураар иморат,
Бинога темир қомақ,
Таниб бўлмас ҳеч бирин,
Ҳаммаси топган ўрин.
Кўли газ печь қувури,
Пучга чиқмай ҳеч бири,
Уланиб газ булоққа,
Бордилар Урал ёққа,
Дўстлик қувури бўлиб
Жаҳонга доврақ солиб.
Ракета бўлган эмиш,
Оймўмага қўнганмиш,
Иўлдош бўлиб елганмиш...
Темир ҳақида қўшиқ
Сўйлабди жуда қизиқ —
Ҳу ўша темир-терсақ
Ҳаммасин бориб кўрсақ.

Қуддус МУҲАММАДИЙ

Қ у т л а й м и з !

Ҳурматли Қуддус Муҳаммадий!

Олтмиш ёшингиз билан «Саодат» Сизни муборакбод этади.

Сиз бизнинг ҳам, кичикитойларимизнинг ҳам севимли шоирисиз. Деҳқон оила-
сида туғилиб, бошда агрономлик касбини танладингиз. Лекин болалар уйида ўса-
нингиз, интернатда тарбияланганингиз ҳаётингизни болалар билан чамбарчас
боғлади. Болаларга сира тугалмас меҳр уйғотди. Табиат ўқитувчиси бўлиб мактабда
ишладингиз. Болаларга меҳр ва табиат гузаллиги қўлингизга қадим тутқазди. Сиз
шоир бўлдингиз. Сиз «Сандақ ва печка», «Кўнғизбой билан сичқонбой», «Қандай
бўлмоғи керак!», «Инкубатор жўжалари», «Очил дастурхон» каби йиғирмага яқин



Она кийик

Бир бор экан, бир йўқ экан тоғ ости бурганзор
оралиқларида, кўзга эловсиз хилватгоҳда, бир она
кийик яшар экан. Эрта кўклам она кийик бола-
лабди. Она кийикнинг болалаганини билиб қолган
оч бўри унинг болаларини емоқ пайига тушибди.
Бўри аста-секин, писиб кийиклар турадиган жой-
га йўл олибди. Бўрининг яқинлашаётганини кўр-
ган она кийик жуда қўрқиб кетибди, қулоқлари
диккайиб, оху кўзлари яна ҳам катталашибди.

Сув ичидаги гул

Сув ичида гул ўсар,
Гўзаллиги гул савсар.
Сўнг оқарар оқ лола,
Очилар кўсак дона.
Барглари нақ шалоқ
Яшил зонтик шалоқ.
Сув ичиб тўймас экан,
Қуруқни севмас экан.
Гул барги майин укпар,
Номи экан нилуфар.



Қор қўшиғи

Қор қўшиғин айтар қарга,
қор-қор,
Қор ёгади, қор эмас, пахта ёғар.
Она булут осмонни элар элак
Қор уинни тўзгитар чақмоқ
биллак.
Қор уинни ер супрага уяр қиш
Пашмак ҳолва, муз новватин
қуяр қиш.
Дову дарахт шох-шаббаси оқ
чечак

ажойиб китобни ёзиб бердингиз бизга. Уларни биз ўқиган эдик, энди болаларимиз кўларидан кўймай севиб ўқишди, тинглашди. Сизнинг кўп шеърларингиз рус тилида босилиб чиқди. Бир китобингизни машҳур рус шоири Маршак таржима қилган.

Сиз ўз шеърларингиз, шеърини ҳикояларингиз билан фарзандларимизни ростеўй, катта-кичикни ҳурмат қиладиган меҳрибон, билагон қилиб тарбиялашимизда катта ёрдам қилаяпсиз. Бу бебаҳо меҳнатингиз учун муборак юбилейингиз кунини Сизга яна бир марта раҳмат айтамыз.

Лекин болаликнинг ташналиги, қизиқувчанлиги, фикр доирасининг кенглиги ҳаммадан ҳам Сизга маълум. Улар яна, яна ва яна китоб дейди. Сизнинг янги мароқли шеърларингизни кутади. Китоб ёзмоқ учун яшаш керак. Сиз 60 ёшга тўлган бўлсангиз ҳам ҳали ишгилардай тетиксиз. Ҳамиша омон ва ёш бўлинг, саломатлик, янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

«САОДАТ»

«Қандай қилсам болаларимни бўридан қўтқариб қоламан» деб ўйлабди она кийик. У бўрини чалғитишга аҳд қилибди ва секин-секин қоча бошлабди. Унинг секин югураётганини кўрган бўри мен унга тез егиб оламан-у ейман, деб суюнибди. Иштаҳаси яна ҳам очилди тишларини фижирлатиб, она кийик кетидан қуваберибди. Она кийик бўрига сездирмай тезроқ-тезроқ югура бошлабди. Хуллас, бўрига тутқич бермабди, тоғ қояси томон югураверибди. Бўри ҳам тили оғзига сиғмай, халлослаб тошларга урилиб, йиқилиб-сурилиб унинг кетидан югураверибди.

Она кийик жуда чаққон экан, тез чопар экан, у

Марваридлар тақди боғлар
келиндик.
Кумуш асфальт ярқираб кўча,
майдон
Ботинкамиз гарч-гурч авжда
чандон,
Хўп ўйнаймиз қорбўрон қор
майдонда,
Қор тепа-тоғ ясаймиз
қорбўронда.
Қор тепага қорбобо посбон
керак,
Қорбўрондан қўрқомовчи полбон
керак.
Уша ботир полбонлар биз
бўламиз
Ҳар чоқ уйғоқ посбонлар биз
бўламиз.
Қор тепада ўйнашамиз
сирпончиқ
Талашмаймиз жой, эмасмиз
қизғончиқ.
Навбат билан конки, чена
отамиз
Кичикларни ченада ўйнатамиз.
Қарга эмас, биз куйлаймиз
қор-қор,
Қор бизга нон, пахтамыз ҳам шу
оқ қор.

Дарахтзор гулханин кўрдим

(Наботот боғида)
Ироқдан қиш-қизил чўғ,
Енар тоғдан фарқи йўқ.
Боққа ёнги тушгандай,
Аланга туташгандай.
Олдига бориб боқсам,
Диққат-ла назар солсам,
Ҳамма дарахлар барги
Ранг-баранг лола каби.
Сўнг сарғайиб пилладек
Олтин сариқ тилладек
Шилдир-шилдир тўкилар...
Сўнг қордан кийим кияр.



Нур кони қайда экан?

Нур кони қайда экан
Ўт кони қайда экан?
Фақат Қуёш, Ойдами?
Еки тоғ-тош, сойдами?
Еки чақмоқ чақинда
Е булут оқимида.
Е бўрон тақимида
Қўйинлар қўйиндами
Шамол ўйинидами?
Е дарёда кезарми
Тўлқинларда сузарми?

Е шалола ичда
Е вулқонлар кучида.
Айтинг уни ким ушлар
Қайта кўнар нур қушлар?
Эркин билалмай ҳайрон
Дададан сўрар бийрон.
Дадаси сўзлар майин:
— Нур кони болам тайин:
Уни ушлар ижненер
ГЭС қурувчи ишчи шер.
Дарёларини ёиб бўғар,
Шалола кучиб йиғар.
Қураб пўлат тўғонлар
Цемент, бетон, қопқонлар.
Ушлар электр кучини
Паҳлавон ўтқир кучини.
ГЭС ичига қамашар,
Минг мурватин бурашар.
Томизмай заррасини ҳам
Боғлашар зардасини ҳам.
Унинг илнин яхши бил,
Унинг тили мушкул тил.
Аъло ўқиб биласан.
Донлар яратганин,
Ўзинг ошкор қиласан,
Табият сир тутганин...
* * *
Шундай қилиб ўғил-қиз,
Қунт билан ўқини даркор
Кўз нур тўкиб биласиз
Нур конлари қайда бор.

бўрини тоғда адаштириб, ўзи эса йўлни чапга солибди. Кейин яна ўша бурганзорга болалари ёнига келибди. У болаларини суюб эркалабди, қорнини тўйғазибди.

Шундай қилиб она кийик яна болаларини кўриқлаб бурганзор атрофида аввалгидек айланиб юраверибди.

Болалари аста-секин эсайиб, катта бўлишибди. Энди улар онасидан қолишмасдан югуришади, бўри келса, уларни тута олмабди. Ҳамма она кийиклар ҳам ўз болаларини йиртқич ҳайвонлардан ана шунақа қилиб қўтқариб қолар экан.



Ибодат Одилова
Ю. Умаров фотоси.



Ҳикоя

Ибодатнинг ўйлари

— Қўпдан бери кузатаман, биз хотин-қизлар яхши топиб-тутишни биламизу, лекин ҳаммамиз ҳам яхши кийинишни билавермаймиз, — деди Ибодат опа советнинг бир йиғилишида. — Районимизда тикувчилик ательеси очсак, маданият университети ташкил қилсак, нима дейсизлар?

— Жуда яхши бўлади, — деди совет аъзоси Одина опа, — иложи бўлса, Қўқондан ательемизга бир-икки чевар таклиф қилсак.

Режали иш тез амалга ошадди. Ибодат опа бошлиқ совет аъзолари бир ой ичда район марказида ателье ташкил қилишди. Қўқондаги тикувчилик фабрикасида қақиртирилган чеварлар ёнига шу ерли тикувчилардан тортиди. Уқини яхши битирган қизлардан шогирд олишди. Энди ателье бор, буюртмачи йў. Совет аъзолари гуруҳларга бўлиниб, қишлоқларга чқшиди. Уйда ҳам, ишда ҳам, бежирим ва қўлай кийиниш — кишининг қайфини чоғ қилишни колхозчи аёлларга тушунтиришди. Клубларда чеварлар тиккан бежирим кийимлар кўргазмасини ташкил этишди. Наҳажада ҳавасманлар кўлайди.

Кейинчалик ателье ўрнида маънавий хизмат кўрсатиш комбинати очилиб, унинг таршоқлари узоқ-узоқ қишлоқларга бориб етди. Энди кўрсизик, район хотин-қизлари чин қўйлақни ҳам бежирим қилиб кийишадиган бўлишди.

Навбатдаги вазифа тўйлардаги исрофгарчиликларини, аёлларнинг тоғора-тоғора нарсга кўтариб бориб, яна уни икки ҳисса тугиб қайтишларини бартараф этиш эди. Совет аъзолари

маҳаллаларда онлави кечалар уюштирадилар. Бу исрофгарчиликларга қарши ҳажвий плакатлар ташкил қилинди.

Тўғри, тўйга тўёна билан бориш яхши фазилат. Совет аъзолари бунинг бошқача йўлини топдилар. Магазинларда тўй ва маросимлар учун мос ҳамда арзон совғалар ташкил қилишга эришдилар.

Ибодат опани яна бир савол ўйлантирарди. Райондаги Энгельс номи колхознинг механизатори Маҳбуба Насриддинованинг номи тилларда достон. Машинида пахта териб, кўк-рағнага Ленин ордени тақди. Лекин у ёлғиз. Нега Маҳбубаларимиз билан фахрланмаймиз?!

Ибодат опа мактабни битирувчи қизлар ҳузурига борди.

— Механизатор бўлишни жуда-жуда истаймиз, лекин ҳаммамизнинг ота-онамиз ҳам Қўқонга, Андижонга ўқишга тборишавермайди-да, — дейишди қизлар.

— Район устахонасида курс ташкил қилсак ўқийсизларми? — сўради Ибодат опа яна улардан.

— Ўқиймиз, албатта! — қизлар хурсанд бўлишди.

Ибодат опанинг талаби амалга ошди. Ўн етти қиз механик-ҳайдовчиликни ўрганиб, Маҳбубанинг ёни-

да «зангори кема» бошқарадиган бўлишди. Булардан Чўлоной Ортиқова 100 тонна пахта терди.

Пиллачи Олияхон Султонова ҳам машғулликда ягона. Совет аъзолари Олияхон опанинг тажрибасини оммалаштиришга доир йиғилиш ўтказишди. Бундай йиғилишларга Олияхон опанинг ўзини ҳам таклиф қилишди. Эндиликда районда эллик аёл пиллачилик бригадасини бошқаряпти. Пахтачиликда эса, йигирма хотин-қиз бригадир.

— Хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига тарбиялаб бориш, уларнинг ҳар доим совет аъзоларининг эътиборида, — дейди Ибодат опа. — Ҳар йили районимиз 70 миң тоннадан ошмиқ пахта, 612 тоннадан ошмиқ пилла ва бошқа қатор маҳсулотлар тошширғанда, юзлаб хотин-қизларимизнинг номи фахр билан тилга олинади.

Далада ишлаётган хотин-қизларга, болали аёлларга яратилган шарт-шарондан ҳам доим хабардор совет аъзолари. Бу муҳим соҳага совет аъзоларидан беш киши бирктиб қўйилган. Уларнинг ташаббуси билан боғча-ясиллардаги аҳвол яхшиланиб, зарур жойларда сут кухиялари ташкил қилинди...

Октябрнинг юбилей арафасида совет аъзоларининг иши айниқса, кўп бўлди. Энг аввало улар, бахтимиз учун курашиб, эндиликда қарлик гапшини суратган аёлларни йўқладди. Биринчи комсомолка Раҳима Асқарова, СССР Олий Советига биринчи депутат Нурибиди Исломовалар билан учрашувлар уюштирилди. Озодлик йў-

«Чўли ироқ»... Ўзбек халқи юрагидан қўйилиб чиққан куй. Уни ким ва қачон яратганини ҳеч ким билмайди. Авлоддан-авлодга мерос бўлиб келган бу куйни ҳар ким ўз навбатида фарзандларига, неварачевараларига мерос қилиб қолдираверган.

Эндиликда, янги, бахтли ҳаёт ўз қўшиқларини яратган эсада, Аму сувларидаи жилвадор, чексиз ва равон «Чўли ироқ» ҳамон яшаб келади. Уни тинглаганининг қалби эрийди, хаёлан поёнсиз кенгликлар, уфққа туташган дашту саҳролар, ипак гиламдек

лида қўрбон бўлган хотин-қизлар хотирасига бағишлаб кечалар ўтказилди. Меҳнатда ўрнат қўрсатаётган аёллар ҳақида аjoyиб фото-монтажлар ташкил қилинди.

Бундай ишларга ҳамма вақт район хотин-қизлар советининг раиси Ибодат Одилова бошқош. Бу ишчан коммунист йигирма йилдан бери район хотин-қизларига онахонлик қиладди. Уларнинг меҳнатдаги ютуғини, шод чеҳрасини, гўзал турмушини қўриб қўвонади.

ёйилган кўм-кўк ўтлоқларни кезади. Шу қадар улугвор бу куй.

Дилбар опа эшик ёнига етганда ҳовлисидан худди шу куй эшитиларди. Куй гоҳ авжа чикра, гоҳ пастлаб электр симларининг гувиллашига кўшилиб кетарди. Дилбар опа куй сехрида эшик ёнида тўхтаб қолди. Юрак худди қиндан чиққудек бўлиб гупиллар, фикр-аёллари эса узоқ-узоқларга, ёшлик чоқларига, тупроқ узра минг тўққиз юз ўттиз саккизинчи йил одимлаган чоқларга олиб кетди уни...

Уша пайтларда у ўн саккизда эди. Иسمи жисмига мос эди унинг. Билакдек йўғон сочлари тақимида тушадиган, оппоқ юз, баланд бўйли Дилбар қишлоқнинг энг гўзал қизларидан эди. Уйларидан совчи аримас, лекин ҳаммалари рад жавоби олиб қайтишарди. Дилбар бу масалада қатъий эди. Қиз пинҳон бошқа йигитга меҳр қўйган эди.

Сафарали унча кўзга ташланадиган йигит эмас, камгап, тортинчоқ. Лекин Дилбар учун, у йигитларнинг асили. Сафарали най чалади, унинг найидан шундай куйлар оқадик, юраклар эриб кетади. Бу куйлар тоғлардан оқиб тушган шалолаларни, севишганларнинг розини эслатади.

Сафарали совчи юбормади, тўғридан-тўғри ўзи келди-қўйди. У қиз қандай жавоб беришини билмаса ҳам, очини бахтига унча ишонмаса ҳам келди. У юрагининг тўлдирган муҳаббатини изҳор этмай туролмасди. Дилбарнинг «ҳа» жавоби Сафаралига туганмас шодлик бахш этди. Тўй бўлди.

Дилбар бахтли эди. Сафарали баъзан оқшомлари най чаларди. У севиклисининг илтимоси билан «Чўли ироқ»ни

чалганида улар ўтирган чоғина ҳовли деворлари оламча кенгайгандек, то юлдузларгача бўлган масофа шу куй билан тўлгандек, тўлгандек бўларди.

Тўйдан кейин ярим йил ўтар-ўтмас Сафарали армияга қақирилди. Сафарали хотини билан хайрлашаркан, Дилбарнинг ёшли кўзларидан ўпиб қийиқчага ўралган найни қўлига тутқизди.

— Аскарликда нималар бўлмайди, жоним. Ўғил кўрсак — най чалишни ўргансин. Ота-си музиканинг ошиғи, у ҳам музикага муҳаббат қўйсин!

Дилбар қиз кўрди. Кичкина Саодат атак-чечак юрадиган бўлиб, чучук тиллари билан алланималарни бидирлайдиган бўлганда «Кутиб олинлар» деган телеграмма кетидан, «уруш» деган қора хабар келди.

Йиллар... йиллар инсон ҳаёти узра елдек эсиб, ҳаёлда ўтмишдан акс садо қолдиради, холос. Демак, истасанг-истасанг унга яқун ясашинг лозим, виждонинг олдида ҳисоб беришинг лозим. Аммо Дилбарнинг виждони тоза эди, унда ҳеч қандай доғ йўқ эди. Дилбар бутун муҳаббатини қизига бахш этганди. Най эса ҳамон уша қийиқчага ўроғлигича сандиқнинг бир бурчида ётибди.

...«Чўли ироқ» тугади. Жимлик чўкди. Ҳатто, дарахт япроқлари билан ўйнашаётган майин шамол ҳам тингандек эди. Дилбар опа ҳамон дарвозага суянганча турарди. Унинг оёқ-қўли бўшаган, ҳатто эшикни очишга ҳам мадори қолмаган эди. Балки менга шундай туюлгандир. Балким ҳеч қандай куй чалинмагандир ҳам, қарилкининг нишонаси эмасмикин

бу? — деб ўйларди у. Йўқ, ҳақиқатан ҳам куй чалинди. Дилбар опа эшикни очди.

— Бувижон! — ўн яшар Ботир унинг истиқболига югурди, бўйнидан қучоқлаб олди.

— Ботиржон, полвоним! — Дилбар опа неварасини бағрига босиб, юз-кўзидан ўпаркан қизига юзланди: — Саодат, қаердадир най чалингандек бўлдимми сенгайм?

— Чалингандек, лейсизми? Йўқ, ойижон, чалингандек бўлди эмас, неварангиз чалди. Ахир унинг музика мактабига қатнашини биласизку.

— Вой, ўзим ўргилай сендан, болажоним, юр уйга, сенга бир нима совға қиламан, — деди Дилбар опа, ҳаяжони зўридан товуши қалтираб. —



Рассом Л. Куртукова

Ибодат опа Бувайда қишлоқ мағлубот жамиятининг раиси. У кўпроқ хотин-қизларнинг уй-рўзгор ишини енгиллатадиган буюмлар, чиройли мебеллар талаб қилади область базасидан.

Ҳа, Ибодат опа уйда она, кўчада жамоатчи, ниҳонада тиниб-тинчимас раҳбар. Совет аъзоларини ҳам у ўзига ўхшаш жонқуяр аёллардан таплаган: Одинахон Абдуллаева — «Коммунизм» колхозинда 22 йилдан бери бош бухгалтер. Тошкент қишлоқ хўжалиги институтинда сиртдан ўқийла-

ти. Раҳимахон Рустомова — район ЗАГС бюросининг мудираси, хотин-қизлар советининг ташаббускор аъзоси. Онлавий кечалар уюштириш, колхозларда бахт ўйлари ташкил қилишга бош-қош у. Соғида Иброҳимова — 50-мактаб директори, жонқуяр педагог, моҳир пропагандист. Хуллас, советнинг 20 аъзоси, аввало, ҳар ишда ўзлари намуна ва ўзгаларни ҳам гўзал ҳаётимизнинг актив кишилари бўлишларини истайдилар.

С. МАҲМУДОВА.
Фарғона область Ленинград райони

Шундай бир нарса совға қилайки...

— Совға қиламан дейсизу, ўзингиз йиғлайсиз-а, — деди Ботир ҳайрон бўлиб.

Нега йиғлаётганини бу кичкинтойга қандай тушунтирсин Дилбар опа? Унинг кечинмаларини тушунармиди?

Дилбар опа сандиқдан қийиқчани олди, уни авайлаб очиб, кўримсизгина эски найни чиқарди ва қўллари титраб Ботирга узатди.



Шредер номидаги боғдорчилик-узумчилик ва виночилик илмий текшириш институти Самарқанд филиалининг илмий ходими қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Марямхон Ҳожимуродова ўнгда ва лаборант Мавжуда Собировалар тажриба даласида

А. Абдуллаев фотоси.

Осмонга елка тираб турган нуқра ранг тоғлар бағридан шовқин солиб оқаётган бир тегирмон сув қишлоқ қўйнига киргач, чор-атрофга таралиб сокин оқади. Тоғ эса фарзандини ҳаётга йўллаган онадек унинг ортидан мағрур ва умидвор боқиб қолади. Зилол сув бўлса она ер чиройига сайқал беришга ошиқади.

Инсон ҳам бамисоли шу сувдек. У ғайрат, шижоат ила тўплаган билимлари, йиллар оша ортирган тажрибалари билан умр бўйи она-Ватан хизматиغا ҳозир яшайди, ўзнда борини унинг фаровонлигига бағишлайди. Шундайларнинг бири Марямхон Ҳожимуродова.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетини битирганида айни кучга тўлган, фикрлари ёрқин, орзулари чексиз эди. Еш мутахассис Самарқанд районидagi «Москва» колхозига ишга тайинланди. Ўша пайтдаёқ Марямхонни колхознинг серқут боғлари, бешик-бешик ишқомлардаги Бахтиёр, Султони, Вассарга, Ризамат ота, Қузёши, Туятини каби ажойиб навли узумлар буткул ўзига мафтун этганди.

Колхоз хўжалигининг асосий тармоғи — узумчилик. Яна полиз экинлари, пахта... Хуллас ёш агроном эрта-кеч далада. Катта хўжалик бўлгач, ташвиш ҳам шунга яраша. Ташвишнинг энг каттаси—сув. Ёз келиб тоғдан оқиб тушаётган бир тегирмон сув ҳар йили камайиб кетади. Токнинг айни чанқаган чоғида сув танқис. Пахтага сув керак, боғлардаги ноз-неъматлар ҳам сув дейди...

Қўшни колхозларнинг ер майдони ҳам йилдан-йил кенгайиб бораёпти. Аммо сув ўша-ўша, камайса камаядики, кўпаймади. Бир тегирмон чамасидаги сув билан шунча жойнинг чанқоғини қондириб бўлармиди. Ана шундай қунларнинг бирида колхозга Марямхонга узумчилик асосларини ўргатган олим профессор Майор Григорьевич Цейлин меҳмон бўлиб келди. Кекса олим ёш агроном билан колхоз боғлари ва ишқомларини обдон айланди. Шогирдининг сувсизликдан қовжираб қолган ток баргларини гижимлаб, куйиб-пишиб гаянганларини узоқ тинглади.

— Қишда-чи, қишда қандай, сув сероб бўлади-ми?— деб сўради олим шогирдидан.

— Етарли...— жавоб берди Марямхон, устозининг нима демоқчилигига тушунмай.

— Борди-ю, тоқларни қишда сўғоришни тажриба қилиб кўрсак-чи?— маслаҳат солди олим. Йўқ, у шундай қилиш керак демади, маслаҳат қилди холос. Шунинг ўзиёқ шогирди юрагига ўт солганини, энди туну кун изланишини, лекин охирига етмасдан қўймадлигини билди у. Дарҳақиқат, колхозда ўша йилиёқ тажриба участкалари ажратилди, майдон бир неча бўлакка ажратилиб, унга ҳар хил миқдор ва муддатларда яхоб суви оқизила бошланди.

Янгилик ҳамма вақт ҳам сипсиллиқ рўёбга чиқавермас экан.

Тажриба участкаларидаги қизгин меҳнат, Марямхоннинг елиб-югуришларига ортиқча чиқим, бекорчи ташвиш деб қаровчилар ҳам топилди колхозда. У сўзида маҳкам турди. Биринчи йилдаёқ тажриба ўз самарасини кўрсатди. Яхоб берилган майдондаги узумлар ёзда атғи икки марта сўғорилди, лекин ҳосилдорлиги анчага ошди. Ютуқ кўзга ташланди-қолди. Марямхон хурсанд. Лекин бу ҳали кам. Ўтказилган тажрибани илмий асос-

Бугун ҳам кечаги ҳол: қиз излаб юрмаган кўчаси қолмади. Оёқлари худди бир пуддан тош боғлаб олгандай бўлиб уйига қайтганда Содиқжон ишдан келган экан. Онанининг аҳволини кўри-ю, қаердан келаётганини дарров тушунди.

— Қизиқсиз-а, ойижон, ўзингиз янгича одамсизу, қилиб юрган ишингизни қаранг.

— Ох, болам-а,— деди Саври хола ўғли солган кўрпачага ўзини ҳорғин ташлар экан. Унинг шу бир оғиз гапиди «Менга осон тутма?»— деган маъно бор эди. — Кечаги қиз кўнглимга ёқиб қолган эди. Бугун яна бордим, эндигина ишдан қайтиб келган экан. Олдимга чиқиб кўришди. Зимдан назар солдим. Ҳалиги «пигураси» дейсанми? Нима эди?

— Ҳа, фигураси,— деди Содиқжон кулиб.

— Ҳа, фигурасига қараганда оёғи сал ингичкароқ экан. Еқтирмай қолдим. Айниб Назароҳуниникига кирдим. Қизи тушмағур биррам қиз бўлибдики, кўйверасан. Аммо ота-онаси «ўзбекка қиз бермайиз» деб туриб олинди. Бермасанг берма, ўғлимга кимлар қизини бермайди деб Ҳожи холаган айтган жойга гизилладим...

— Қизи кўнгликкина экан-у, лекин онаси шол экан. «Қуданг бўлса лорсиллаб юрса» деб у ердан ҳам қайтиб чиқдим. Уйга келаётсам, дадаг раҳматликнинг онаси Сотволди тоғанг учраб «ҳа келинбу» деб қолди. Арзи-ҳолимини айтдим.

«Э-э шундоқ денг. Ялангликда Содиқжонбоп бир қиз бор» деди.

ҚАЙСИ

ЭШИК

ЭДИ?

(ҳажвия)

ДАВОМ ЭТАДИ

лаш, ундан назарий хулосалар чиқариш керак эди. Буни ҳам Марямхон ўзи қилмоқчи эди. Шунинг учун ҳам у қишлоқ ҳўжалик институти қошидаги аспирантурага киришга қизгин тайёргарлик кўра бошлади. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтди. Марямхон ўқийман деб, ишни ташлаб қўймади. Фақат илгари бир колхоз билан боғлиқ бўлса, эндиликда «Яхоб сувининг бўз тупроқдаги тоқларнинг ўсиши ва ҳосилдорлигига таъсири» темаси устида иш олиб бораётгани учун кўп колхозларга чиқар эди. Марямхон кунни билан тажриба устасларида бўлиб тупроқнинг турли қатламларидаги нам миқдорини, новданинг ҳафталик ўсишини, илдиларнинг тараққиёт динамикасини аниқлаш... кечкурунлари эса И. В. Мичурин, Р. Р. Шредер, Ризамат ота Мусамуҳаммедов каби устозларнинг китобларини мутулаа қилиш, ўрганиш билан банд. Иш, изланиш, ўқиш, ўрганиш билан уч йил ўтди. Натижа олима кўзлаганидан ҳам зиёд бўлди.

Ҳар гектар ердаги ҳосилдорлик 30—40 центнерга ошди. Қишда бир марта қондириб сугорилган тоқзорларни ёзда икки бор кам сугорса бўлади. Тежалган бу сув билан эса колхоз қишлоқ ҳўжалигининг бошқа тармоқлари қондирилади. Олима

узумзорлар қишда сувга тўйдирилганда тоқнинг турли зараркунанда ҳашаротлари музлаб, ўз-ўзидан қирилиб кетишини ҳам аниқлади. Шундай қилинганда тоқ касалланмай ўсади, серҳосил бўлади. Демак даромад ҳам ошади.

«Ажойиб янглик! Тезда ҳўжаликларда амалга ошириш керак»— дейишди юксак баҳо бериб Марям Ҳожимуродованинг диссертацияси ҳақида.

Марямхон Ҳожимуродова ўзбек хотин-қизларидан биринчи бўлиб узумчилик бўйича илмий даража олишга муваффақ бўлди. Киши изланади, ахтарганини топади, камолотга эришади. Шунда у билим ва тажрибасини бошқалар билан ўртоқлашади. Ўргатади, ўзи ўрганишда давом этади.

Марямхон опа ҳам худди шундай. У Самарқанд қишлоқ ҳўжалик институти мева ва узумчилик кафедрасида ишлаб студентларга узумчилик асосларини ўргатади. Колхоз ва совхозларда бўлиб тоқни қишда сугорининг афзалликлари ҳақида жуда кўп суҳбатлар ўтказди, лекциялари ўқиди.

Ҳозир Марямхон Ҳожимуродова Шредер номидаги боғдорчилик-узумчилик ва виночилик илмий текшириш институтининг Самарқанд филиалида илмий ходим бўлиб ишлайди. Тоқни қишда сугорининг таъсири устида илмий иш олиб бораётиши. Шу кеча-кундузда Марямхон Янгиариқ массиви шаронтида қишда яхоб берилганда узум таркибидаги ўзгаришларни аниқлаш билан банд. Изланиш давом этади.

Нусратилла РАҲМАТОВ.

«Уша қизни кўрай бўлмасам» деди. Эшигини кўрсатиб қўйди. Ичкарига кирдим. Нақ тўққизинчи жаннатга кириб қолдимми дебман. Онас хўп хушмуома экан. Эй, ўғли, нимасини айтасан, бечора мени ўтказгани жой тополмай атрофимда парвона. Анвойи нознеъматлар устида ўтирсак, қиз даладан келиб қолди. «Вой шўрим, шу қизни айтдимни, менга Сотволдинс тунмагур» дейман. Ҳар бир лаби ўқловдек-ўқловдек келади. Бугун ҳам ишим ўнгидан келмади деб турсам, йўлда бошқа бир қиз учраб қолди. Пари ҳам уялади унинг олдида. Кўча дарвозасини сукураётган экан. Бўйлари ҳам сеидан тўрт энликча паст. Қошлари қалдирғоч қанотига ўхшайди. Сочини ҳам худойим аямасдан берган экан, тақримин ўпанди, болам тақимини.

Эшикма-эшик зоришингизни қўйинг ойн,— деди Содиқжон илтижо қилгандай, кейин йиманибгина қўшиб қўйди,— бир кунни ўзим бир эшикни кўрсатаман, фақат ўшанга борасиз.

Саври холаи чарчоқ енгди шеккили, ўғлининг гапи кўзига чалиндими, йўқми у мудрай бошлади. Содиқжон чой олиб келганда, у ухлаб қолган эди. Содиқжон овансини безовта қилгиси келмай, унинг устига кўрпа ташлаб қўйди.

Саври хола тунда ҳам ўша қизни кўриб чиқди. У совчиликка борган эниш-у, қуда бўлиши хотин Содиқжоннинг сартаорлигини эшитиб кўнамасини. Саври хола ўғлини топиш-туттиши яхшиялгани,

ажойиб хислатларини айтаётиб ўғониб кетди. Ўғлини ишга жўнатар экан, кечкурун хушхабар билан уни севинтириши кўз олдига келтириб, мингига кулиб қўйди. У туш таъбирини ечиб қувонарди: «хотин кишининг туши ҳамини тескари келади».

— Ҳа, бугун ишим ўнгидан келади, худо хоҳласа,— ўзига ўзи гапириб Саври хола янги қўйлагини, оҳори тўқилмаган маҳсинини, катта невараси крахмаллаб берган рўмолини ўради, иссиқ бўлишига қарамай савлатлироқ кўрнай деб янги тиктирган нимчасини кийиб, йўлга тушди.

Мана, ўша қизнинг дарвозаси. Дарвозани оҳиста очар экан, Саври холанинг кўзи тўрдаги супада машина тикиб ўтирган кечаги қизга тушди.

Қиз уни кўриб, югуриб келиб кўришди, улар сўрашиб улгуришмаган эди ҳамки, ичкаридан эллик ёшлардаги серсавлат, юздан нур ёғилиб турган аёл чиқиб кўришди. Саври холаи ўтказиб, она-бола бири-бирига маъноди қараб қўйишди. Олдиларига дастурхон келганда хола аста маҳсадга кўчди.

— Энди, овсинжон, ўзингиздан ўтар гап йўқ. Унид билан осточангизни босиб кирдим, сизда қиз бор экан. Бизда ўғил. Узугимга ёқут кўз сураб келдим.

Мезбон аёл энди жавобга оғиз ҳозирлаган эдики, кўча эшиги очилиб бир янгит кириб келди.

— Келинг, келинг холажон,— деди янгит такаллуф билан Саври холага.

Мезбон аёл уни таништирди.



— Ўғли.

Янгит костюмини ечар экан деди:

— Ойи, бугун янги спектакль бўлар экан. Келиннинг билан Сизни олиб кетгани келдим. Жуда қизиқ дейишяпти.

— Борайлик, ойнжон,— деди қиз ҳам онасига эркаланиб.

Саври хола ялт этиб рўпарасидаги серсавлат аёлга қаради. У мингига кулиб турарди.

Саври хола лоладек қизариб ўрнидан турди-да, қавушини ҳам пойма-пой кийиб, кўча томон йўргалади.

У дарвозани ёпар экан, ичкаридан қаҳ-қаҳ кулги кўтарилди.

«Ҳайси эшик эди айтганинг Содиқжон, кўрсата қол, болам. Энди фақат ўша эшикка кирай»,— хаёлан ўғлига хитоб қилди Саври хола.

Умида ОМОНОВА



Фахрланаман

Телефонисталикка қизиқиб қолгандим, ўрта мактабни тугатибча тўғри Тошкент шаҳар Марказий телефон станциясига келдим. Ҳозир бу ерда ишлаётганимга беш йилдан ошди. Биринчи разрядли телефонисткаман.

Тўғри, касбим учма мураккаб эмас. Бу соҳа ходимлари зийрак, хушмуомалалари бўлиши керак. Вуяортмачи айтаётган телефон номери, идора ва ташкилот номини тезликда ўзлаштириб ёни ёзиб олишга улгуриш лозим. Бунга эриша олдим.

Касбимга бўлган меҳрим йилдан йилга ортиб бораётганини ҳис этаман. Ишимиз халқ учун хизмат қилишдек олижаноб иш. Халқ тақдири билан боғлиқ бўлган кўпгина жиддий масалаларнинг ҳал қилинишида бир оз бўлса ҳам ҳиссам борку деб қувонаман. Идора ва ташкилотларнинг шаҳарлараро алоқасини боғлаб бераман.

Ана шу ишим, хизматдошларим ҳақида ўйлаб кетаман баъзан. Бизга оддий кўринган, ҳаётимизда зарурага айланиб қолган ана шундай касб революцияга қадар бўлган эдимми? Бувиларимиз бизнинг ёшимизда телефон ҳақида тасаввурга эга ҳам бўлмаган эди-ку. Шаҳарларни шаҳарларга боғлайман, олисдаги танишларни гаплаштириб қўяман, яқини узок масофадаги улкан ташкилотларнинг иш, маслаҳати, илтимос ва талаблари минутларда ҳал қилинади. Шунда қалбим фахрга тўлиб-тошади.

Раъно ИНОҒОМОВА.

Ҳаво хизмати ҳам гаштли

Республика ми з д а авиация одатий бўлиб қолган. Халқнинг бешдан бир қисми сафарга самолётда жўнайд.

Тошкент аэропортидан жаҳоннинг турли томонига ҳар куни неча унлаб самолётлар парвоз этади. Москва, Ленинград, Рига, Тбилиси, Кисловодск, Эрон... Шулارнинг бирида ўзим хизмат қилаётганимни ўйлаб кўрганимда қалбим чексиз қувончга тўлиб тошади. Ишим учувчи ва радистларники каби жиддий бўлмаса ҳам шундай довурак касб эгалари орасида хизмат қилишим билан фахрланаман.

Ўз қанотлари остига юздан ортиқ йўловчини сифдирган «ИЛ-18», «ТУ-104» каби улкан ҳаво лайнерлари юзлаб километр масофани сотатларда босиб ўтади. Мен йўловчиларни бир манзилдан иккинчи манзилга қуватиб бераман. Илтимосларини бажо келтираман. Учиш тезлиги ва баландлик ҳақида хабардор қилиб тураман, Қисқаси ҳаво йўловчилари хизматида бўламан — стюатрессаман. Шу касбия ёқтириб қолганман.

«ИЛ-14» самолётида учганларим бир йил мобайнида бир милли-



он саккиз юз минг километр масофага етди. Ҳар кимнинг хоҳишида, ким ўзига жуда яқиндй ва салмоқдор касб танлайди. Кимнинг кўнглига оддий бўлса-да, қаҳрамонликка хос касблар ёқлади. Мен ҳам ўзимни кейингилар қаторида бўлишимни истардим. Мақсадимга етдим.

Л. ИСМАТУЛЛАЕВА.

Рисолатнинг ҳиссаси



«Дубиль-экстракт заводи» деган иборани эшитганмисиз? Унинг қандай маҳсулот ишлаб чиқаришини биласизми?

Ўрта Осиёда ягона бу завод Андижон областининг Қўрғонтепа районидаги Хонобод посёлкасида жойлашган.

Завод биноси томон кетатуриб атрофга боқсангиз, тоғлар тизмасига кўзингиз тушади. Шу тизмалар бағри таран деб номланган ўсимлик илдизига кон. Таранда эсатери пиширишда ниҳоятда зарур бўлган танида моддаси бор. Хонобод дубиль-экстракт заводи кўн заводлари учун ана шундай танида поррошоги ишлаб чиқаради. У Иттифоқимиздаги ўндан ортиқ заводларни ўз хом ашёси билан таъминлайди.

Сиз суратда кўриб турган Рисолатхон Бозорова шу заводнинг тажрибали химик-лаборант. Заводда у ўз меҳнат фаолиятини од-

дий ишчи сифатида бошлаган эди. Тўғрироғи, завод қурилишида қатнашди: ғишт ташиди, деворларни суваш, бўяш, оқлаш ишларини бажарди. Шунга ҳам 24 йил бўлибди.

Тажрибали лаборант яқинда лаборатория ходимлари иштирокида альбомни номли модданинг маҳсулот сифатига таъсирини ўрганиб, бу модда маҳсулот сифатини анча оширишини аниқлади. Тажриба натижалари ишлаб чиқаришга теъда жорий қилина бошлади. Шунга кўра завод ойлик планини 115—120 процентга етказиб адо этадиган бўлди.

Рисолат Бозорованинг кўксига «Ҳурмат Белгиси» ордени ва «Шавкатли меҳнати учун» медали порлаб турибди. Меҳнатидан ҳурмат топганлардан бири Рисолат опа!

Г. Кечкин фотоси.

Наманганда бир аёл бор. У партияизмининг минглаб аъзоларидан бири, содиқ ва саботли, ишчан ва бахтли аёл. Унинг ҳаёт йўли—шонли партияизм тарихининг узвий бир бўлаги...

Оминахон ўн ёшлигида отасидан жудо бўлди. Орадан икки йил ўтмай меҳрибон онадан ажралди. Егимликнинг оғир йиллари бошланмоғи муқаррар эди. Йўқ, унинг бахтига янги замон — Совет ҳукумати бор эди. У кўчада қолмади.

Саводсизликни тугатиш учун қизғин кураш олиб борилаётган 1928 йилларда Оминахон саводсизликни битириш уч ойлик курсини тамомлади ва паранжисини ўтга иргитди. Дунёни у янгидан кўра бошлади. Ҳаётдаги ўзгаришларни очиқ дил билан ҳис қилди, қалби курашишга, одам бўлиб яшашга даъват этди. Ўзидаги паранжисини бошқа хотин-қизлар юрагида ҳам жўш уришини истади. У хотин-қизларни ўқита бошлади. У аёлларга фақат савод ўргатибгина қолмас, уларга Совет ҳокимиятининг сиёсатини тушунтирар, аёлларнинг ҳуқуқни тўғрисида сўзлаб берар, уларда шижоат ва кучли ирода тарбиялашга ҳаракат қиларди.



Суратда фабрика директори **Омина Саидхўжаева** билан илгор мотористка **Фаридахон Иномова**.
Қ. Қурбонов фотоси.

ПОРЛОҚ ЙЎЛ

Омина яна ўқиди. 1923 йилда педагогика техникумини тамомлаб, ўқитувчиликни давом этдирди.

Улуғ Ватан уруши йиллари Оминахон ишлаб чиқаришга бориб, фронт учун, галаба учун моддий жиҳатдан кўмак беришга қарор қилди. Наманган консерва заводига ишга келди. У смена мастери бўлиб ишлади.

— Завод маҳсулотлари фронтнинг олдинги линияларига жўнатилар эди. Шунинг учун консерва-валарнинг кўп ва сифатли тайёрланишига катта эътибор берардиқ,— деб ҳикоя қилади Омина опа. У оловли уруш давом этаётган йиллари шонли партия сафига кирди. Ватанга бўлган меҳр-муҳаббати, галабага бўлган ишончи шу йўлга чорлади уни.

Галаба, Меҳнат. Ҳаёт олға қадам босмоқда. Омина опа-чи?! У билим олишга чанқоқлик сездди ўзида. 1947 йилда Тошкент олий партия мактабига жўнади. Ўқиди. Маркс, Энгельс, Ленин асарларининг мағзини чақди. Партия қарорлари билан изчил танишди. Сўнгра у Сурхондарё области партия комитетида ишлади. Партия топширинини садоқат билан бажарди. Ҳа, коммунист зиммасига қай вазифа ишониб топширилса, лаб-бай, деб жавоб бермоғи лозим. Омина опа худди шундай қилди. 1952 йилдан 1958 йилгача Наманган область касабаси союзлари Советининг раиси вазифасини адо этди. Ишчанлиги, сезгир ва ташкилотчилиги туфайли обрў топди, ҳурмат қозонди. Ундан кейин Омина опани шаҳардаги 2-тикувчилик фабрикасига директор қилиб юборишди.

— Номиагина фабрика эди, холос. Кичик, тор бир ҳовли, етмишга яқин ишчи... Ҳозир-чи? Ҳозир замонавий техника билан қуролланган бир неча катта-кэтта цехлар... 800 га яқин ишчи...

Бу фактлар замирида қанчадан-қанча қийинчиликлар бўлганлигини айтиб ўтирмади опа. Партия ва ҳукуматимизнинг катта ёрдами билан фабрика Наманганнинг етук корхоналаридан бирига айланди. Бунда Оминахон Саидхўжаеванинг ташкилотчилиги ва раҳбарлик роли катта бўлганлигини наменганликлар яхши билади. У ҳар бир ишчи, инженер, техникнинг ташвиши билан яшаётган, доимо корхонани иқтисодий юксалтириш ҳақида ўйлайдиган директор. Фабрикада ярим йиллик план муддатидан ўн кун аввал адо этилиб, планга қўшимча тўқсон минг сўмлик, яъни 18 минг дона эркаклар кўйлаги ишлаб чиқарилди. Маҳсулот таннари ярим йилда 59 минг сўмга камайди, 7 минг квадрат метр газлама тежаб қолинди.

Юбилей йилида фабрика коллективи 5 миллион 171 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилишган. Ана шунда ишчиларнинг ойлик маоши юз сўмдан тушади. Албатта шундай бўлади.

Бу корхонада меҳнат қилаётган Баҳринисо Мўминова, Вера Кулева, Гадила Фазлиева, Марғуба Умарова, Жамила Османова, Карима Насриддинова каби илгор тикувчиларни санаш мумкин. Ҳаммаси Омина Саидхўжаеванинг шижоатидан ўрнат олишган.

1950 йилдан бери шаҳар Совети депутати, фабрика директори Оминахон Саидхўжаеванинг меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб қадрланди. Ҳозир унинг кўксига қатор медаллар ва «Хурмат Белгиси» ордени порлаб турибди. Ҳа, у шонли партиянинг муносиб аъзоларидан бири. Унинг меҳнат йўли ҳаминша порлоқ.

О. НОСИРОВ,

Р. ҒАФУРОВ.



ЖИЛОН ЖИЙДА ДАВО

Мазали ҳўл мевалардан бири жилон жийда медицинада ҳам баъзи касалликларни даволашда қўлланилади. Жумладан: қон камайиб кетганда, астма касалликларига, жигар, буйрак, юрак касалликларига ва қон босими ошганда жилон жийдани шифо топиш мумкин. Бу шифобахш мева айниқса қон босимини камайтириб, сийдикни ҳайда чиқаришга яхши таъсир этади.

Жилон жийданинг яна бир аҳамияти шундаки, бу мевадан ҳимилдорликнинг иккинчи ярмида учрайдиган касалликларни даволашда ҳам фойдаланилса бўлади. Бундай касалликларда танада шил пайдо бўлади. Организмда модда алмашиши бузилиб оёқ шиша бошлайди. Бу касаллик халқ орасида истисно ҳам деб юритилади. Дард ўз вақтида олди олинмаса, касаллик зўрайиб қон босими ошади, беморнинг аҳволи оғирлашади.

Бундай касалликларнинг бўлмаслиги ёки пайдо бўлганда ҳам тезроқ олдини олиш учун ҳимилдорликнинг иккинчи ярмида жилон жийда истеъмол қилиш жуда фойдалидир.

Жилон жийда шарбати қуйнагичга тийёрланади. 200 грамм майдаланган жилон жийда (ҳар бир донаси 2—3 га бўлинади) бир литр илқ сувда идишнинг қопқоғини ёпиб, 10—15 минут қайнатилади. Совуғач, қунига уч маҳал ярим стакандан ичилади. Шунинг унутмаслик керакки, жилон жийдани қайнатаётганда идиш қопқоғи доим ёпиқ туриши керак. Акс ҳолда унинг таркибидagi витамин ва микроэлементлар ўз қувватини йўқотади.

Жилон жийданинг мевасини шундай ейиш ҳам мумкин. Майдасини 20 донадан овқатдан сўнг, каттаси бўлса (пайвад қилинган) 6—8 донадан 3 маҳал истеъмол қилиш кифоядир.

В. ФОЗИЛОВ,

медицина фанлари кандидати.

Маълумки рўзғордаги ишларни енгилаштирадиган, маданий ҳордиқ чиқариш учун зарур бўлган буюмларни ишлаб чиқариш йил сайин ортиб бораёпти ва турмушдан кенг ўрин олаёпти. Эндиликда радиоприёмниксиз, телевизорсиз уйни камдан-кам учратасиз. Тикув машинаси, холодильниклар урф бўлиб қолди деҳқон оиласида. Рўзғордан замонавий буюмлар қанча кенг ўрин олса, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига бўлган эҳтиёж ҳам шунча ортиб бораверади. Буни шу соҳада ишловчи ходимлар яхши ҳис қилишади.

Комбинатимиз иш бошлаганига уч йил бўлди. Дастлабки даврларда маиший хизмат кўрсатиш тури уч-тўрт хилгина бўлиб, қилган хизматимиз аҳоли жон бошига бир сўм 90 тииндан ошмасди. У ҳам бўлса сартарошлик, пойабзалларни ямаш, соатсозликдан иборат бўлган.

Кейинги вақтларда ишни бирмунча жонлантира олдик. Районимизда 120 минг аҳолига эга ўн уч колхоз, ўн бир совхоз бор. Ҳўжаликлар шаҳар аҳолисига сабзавот, полиз экинлари ва мева етказиб беради. Биз ана шу дала меҳнаткашларига ҳозир маиший хизматнинг 33 тури орқали кўмаклашмоқдамиз. Бу хизматларимиз аҳоли жон бошига 7 сўмданга тўғри келяпти.

Ҳозир деярли ҳамма колхоз ва совхозларимизда маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг бир неча тури мавжуд. Жумладан: Калинин номи колхозда кўрпа пахталарини янгилаб бериш цехи, «Москва» колхозида трикотаж, мебель ва карниз цехлари, Оржоникидзе номи колхозда никель цехи, Охунбобоев номи колхозда кийим-кечак тикиш цехи ва сартарошхона, Карл Маркс номи колхозда сартарошхона, никель, темир буюмлари ишлаш ва ремонт қилиб бериш цехи, шунингдек тандир цехлари аҳоли хизматида. Район маркази ва қишлоқ посёлкаларида марказлашган йирик цехлар бўлиб, булардан кийим-кечакни ремонт қилиш, янгисини тикиб бериш, турли-туман рўзгор буюмлари яш, дераза ва эшик пардалари тикиш, пойабзал ремонтини ва янгисини тикиб бериш, соатсозлик, электр асбоблари, радио ремонт цехлари, ҳар хил буюм-



Чевар Муқаддас Шоназарова.

ДОИМ

Тошкент область, Калинин район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати партия ташкилотининг секретари **Маърифат ЗУФАРОВА** билан суҳбат

ларни тузатиб, ремонт қилиб бериш каби ишлар амалга оширилмоқда.

Районимиз шаҳар атрофида бўлгани билан колхозлар тарқоқ жойлашган. Шунга кўра биз кўп ишларни сайёр устахона воситасида амалга оширяпмиз. Комбинатимиздаги мослашган иккита автомашина колхоз-совхозларга қатнайди. Бир борганда буюртма қабул қилса, иккинчи қатнашида шу буюртмаларни эгаларига топширади ва янгисини қабул қилади. Автоматиналар колхоз ёки совхоз территориясига бориши билан радио орқали ҳаммага хабар қилинади.

Ишни шу тартибда уюштирганимиз биринчидан қишлоқ аҳолисига қулай бўлса, иккинчидан плани доим ортиги билан бажаришга имкон бераёпти. Сайёр устахона шофери Воҳид Йўлдошев пландаги 3 минг сўм ўрнига 6 минг сўмлик буюртма қабул қилишга улгуряпти.

Фотографлар ҳам буюртмачиларни ўз кабинетига кутиб ўтирмай қишлоқларга бориб расм оладилар. Айниқса чеварлари-



„Саюгат“

ёрдам қилди

Шаҳрисабз районидаги қишлоқ хўжалик техникумининг ошпази Хурсанд Жабборова редакциямизга хат ёзиб, меҳнат отпускиси пайтида техникум директори ўртоқ Хўжақулловнинг буйруғи билан ишдан ноҳақ бўшатирилгани ҳақида арыз қилган эди.

Шаҳрисабз район партия комитетининг секретари ўртоқ Э. Алимовнинг хабар қилишича, бу факт тегишли раҳбарлар тўла тасдиқланган. Х. Жабборова ўз ишига қайтарилган. Мажбуран қилинган провуд учун иш ҳақи бунга айбдор шахслардан ундириб олишга қарор қилинган.

ХИЗМАТДАМИЗ

мизнинг бу борадаги иши аёлларга манзур бўляпти. Келес қишлоқ Советидаги тикувчилик цехимизнинг мастери Муқаддас Шоназарова ҳар шанба колхоз-совхозларга чиқиб кетади. Бу цех коллективи жойлардан келган буюртмани иккинчи шанбагача примеркага тайёрлаб қўйишади. Назарбек қишлоқ Советидаги тикувчилик цехининг чевари Мастура Эшонқулова ҳам шу тартибда миллий кийимлар тикиб бериб, буюртмачиларни ниҳоятда хурсанд қиляпти.

Бизда ишнинг яна бир тури бор. Уни «халис хизмат» деб атаймиз. Хўжаликларнинг шолисини оқлатиб бериш ва ғалласини тортиб бериш «халис хизмат»имиз зиммасида. Бунинг учун иккита юк машинаси ажратганмиз. Шу машиналар ғаллани тегирмонга элтиб, тортириб, шолини заводдан оқлатиб эгаларига топширади, фақат йўлқирагагина ҳақ олинади.

Ҳамма соҳалар ичида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳали анча ёш соҳа саналади. Айниқса қишлоқ шароитида. Бу соҳанинг ходимлари амалга оширмаган, халққа тақдим этмаган хизмат турлари ҳали анчагина. Келгуси йил район марказида қурилаётган кўп қаватли «маиший хизмат комбинати» ишга туширилади. Шунда ки-

йимларни кимёвий усулда тозалаб беришни амалга оширади. Навоий номли колхоз ўз идорасидан тикув цехига хона ажратиб берди. У ерни жиҳозлаб, тикувчи мастер тайинлаймиз. Охунбобоев номли колхоз икки гектар ер ажратиб берди. У ерда гулчилик барпо этмоқчи-

миз. Тўй, яқин кишиларнинг кутиб олиш ва кузатиш гулсиз ўтмайди-ку. Дендра парк ҳам бизнинг чегарамизда. Баҳор бошланиши билан қишлоқ ва шаҳар меҳнаткашлари бу ерни сайилгоҳга айлантириб юборишади. Айниқса болаларнинг қувнаб ўйнайдиган ерига айланиб қолади. Ана шу ерда ижара моллари пункти ташкил этмоқчимиз. Унда дам олишга келувчилар учун зарур бўладиган идиш-товоқлардан тортиб, йиғма кроват, болаларга велосипед, машина, турли ўйинчоқлар бўлади. Шунингдек, келгуси йилдан колхоз ва совхоз далаларида меҳнат қилувчи аёлларимизнинг уйдаги ишларига кўмаклашиш ниятида хонадонга бориб кир ювиб бериш, кўрпа қавиш, уйларни кўтариш каби ишларни амалга ошириш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

Шаҳар билан қишлоқнинг тафовути тобора тенглашиб бораёпти. Бу ҳол колхоз-совхоз қиёфасидангина эмас, ҳар хонадон турмуш даражасидан сезилиб турипти. Биз — маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ишловчи ходимларнинг олдида турган вазифа ва мақсад кун сайин талаб ва диди ортиб бораётган қишлоқ меҳнаткашларига бугунгидан эртага яхшироқ хизмат қилишидир.



Сайёр устaxona шофери Воҳид Пўлдошев Навоий номли колхозга етиб келиши билан уни колхоз аъзолари қўраб олди.

Б. Мизрохин фотоси.

ДИМЛАМА ЖУЖА

Пати юлиниб, ичи тозаланган икита жу́жа совуқ сувда яхшилаб ювилади, туз селиб бир соат олиб қўйилади. Сўнг қовургадан пастдаги тери бир оз қирқилиб «чўнтакча» ясалди. Жу́жанинг оёғи ана шу «чўнтакча»га тикиб қўйилади. Қанотини орқага қайтарилади. Бир бурда қаттақ нонни чорак стакан сутта ботириб, силқитиладида, жу́жаларнинг жигари билан бирга мясорубкадан ўтказилади. Бир ош қошиқ сариёғ икки дона тухумнинг сариги билан қоршиштирилади. Унга мясорубкадан чиқарилган масаллиқ, туз, мурч, майда тўғралган бир боғ укроп қўшилиб ўбдон қоршиштирилади. Тухумнинг оқи кўпиртирилиб, масаллиққа қўшилади («масаллиқ кўпчиб туриши керак»). Агар масаллиқ суюқ бўлса бир-икки қошиқ толқон қўшиб юбориш керак.

Темир қошиқнинг дастаси билан жу́жаларнинг териси кўтарилиб (қошиқ дастаси тери билан гўшт орасига суқилади) орасига масаллиқ қўйилади. Олдин кўкрак чўққисидан қанот томон тери ости тўлдирилади, сўнг орқа курак бўлагига ўтилади. Масаллиқнинг қолгани жу́жаларнинг қорнига қўйилади. Икки-уч қошиқ пахта ёғини ўбдон қиздириб жу́жаларнинг орқа-олди бир оз қовурилади.

ди-да, озорқ сув қўйиб, қозоннинг қоңоғи зич ёпилган ҳолда, паст алангада бир соат чамаси димлаб пиширилади.

Димлама жу́жани дастурхонга қовурилган ёки сувда пиширилган қартошка билан тортилади. Устига ош кўклардан бирон хили чопиб сепилса ва ён-атрофига помидор тўғраб қўйилса яна ҳам яхши.

ИЧИ ТЎЛДИРИЛГАН ТОВУҚ

Товуқ жу́жа сингари тозаланади. Ичига солинадиган масаллиқ ҳам бир хил тайёрланади. Лекин қийма тери остига қўйилмай, ҳаммаси қорнига жойланади. Қийма солиш учун кесилган қорин гўшти ип билан чагилади. Қизган ёғда сирти бироз қовурилиб, ярим пилёлча сув қўйилади-да қоңоқ зич ёпилади. Қайнаб қуриб қолган сув ўрнига вақти-вақти билан оз-оздан сув қўйиб турилади. Шу тартиб товуқ 1,5—2 соат чамаси паст алангада димлаб пиширилгач, узунқоқ лаганга бурда-бурда қилиб солинади-да, усти ош кўклар билан безатилади. Қозон тагидagi селли шўрвани устидан қўйилиб дастурхонга тортилади. Товуқнинг ичини тўлдирмай, шу тартибда димлаб пишириш ҳам мумкин.



Муқоваларда

Муқованинг биринчи саҳифасидаги суратни рассом **Жавлон Умарбеков** «Республика байроғин кўз нури-ла тикаман!» деб атабди.

Муқованинг тўртинчи саҳифасида рассом **К. Чепраковнинг** «Кўз» деган рангли линогравюраси.

Журналнинг бу сонияда эшик парда ва диван ёстиқчасига турли рангдаги ипплар билан тиниш учун товус нухаси бепул илова қилинди.

Янги либослар

Сиз муқовада кўриб турган моддалар Республика маиший хизмат кўрсатиш министрлиги қошидаги лойиҳалаш-технология институти тикув-трикотаж лабораторияси ходимларининг ижодий маҳсулидир. Лойиҳалаш технология институтини (Ўзгиротехбит) коллективни асосан аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ательеларига янги-янги моддалар яратиб бериш билан шугулланади. Исламларчан коллектив аъзолари яратган ҳар бир янги нухсада аёлларимизнинг назик диди ҳисобга олинганлиги кўрилиб турибди.

Журналимизнинг бу сонияда ихтиёрингизга ҳавола қилаётган моддалар Сизга ҳам манзур бўлса, тиктириб кийинг.

1. Хонатласинг «Намозшом гули» нухасидан кўкрак бурма қўйлак. Бу қўйлакка атласнинг энлиси танланиб, гули қиялатиб бичилади. Кокетканинг орқаси тўғри, олди фигурали қилиб олинади.

2. Бахмалдан тикилган нимча. Нимчанинг бели тор, этак қисми клёш қилиб бичилади. Олди икки-та илмоқ билан илинади. Нимчанинг четларига оқ ёки малла рангдаги инакли назик шоҳи тасмадан гул тикилса жуда чиройли чиқади.

3. Ешларга мўлжалланган кўкрак бурма қўйлак, олд ва орқа кокеткаси ёйсимон бичилади. Орқадан бир тугма билан қадалади. Узун енгининг учи манжетли. Ёқа атрофи, олди ва этакларига гул тикиб безатилади. Бу қўйлакни нафис шерст ёки сидирга штапель-шерстлардан тикиб, баҳор ва куз фасллари кийиш мумкин.

4. Ўзбекча миллий камзул. Камзулнинг этак томони кенгайиб боради. Олд томонидан бир тугма билан қадалади. Камзулнинг этак ва ёқа четидан пастгача ипак ёки назик тасмадан гул тикиб безалади. Бу камзулни сидирга ёки гижим бахмалдан тикиш мумкин.

5. Космос номли газмолдан тикилган кўчалик қўйлак-костюм. Жакети гавдада эркин туради. Қийиқ ёқаси бир оз каттароқ олинади, Енгисиз қўйлак гавдага ёйишиб туради.

6. Оқ шерстандан тикилган қўйлак. Тугма ва бантинг қора рангда.

7. Гавдаси тўла аёлларга мўлжалланган қўйлак. Қора шерстандан тикилади. Ёқа ва белбоғ учини оқ рангли шерст трикотаждан попуқ қилиб безатилади.

Редактор **ЗУЛФИЯ**. Редколлегия: **Д. АБДУРАЗЗОҚОВА, Т. АЛИМОВА, Х. АХРОРОВА** (редактор ўрибосари), **З. ЖАМОЛОВА, М. ЙЎЛДОШЕВА, Қ. МАҲКАМОВА, Н. МИРПЎЛАТОВА, Х. МУҲИДДИНОВА, М. СУЛТОНОВА, Қ. ҒУЛОМОВА.**

Техредактор **З. Раҳимов.**

Журнални безатувчи **Лайло Салимжонова.**

Общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный еженесячный женский журнал «Саодат» № 11 на узбекском языке.

Редакциямизнинг адреси: Тошкент, Навоий кўчаси, уй № 30. Телефон № 45343, 43331. Қоғоз формати 60×92¹/₂ = 2,75. Қоғоз листи 5,5 п. л. Заказ № 4808. Босишга рухсат этилди 5/ХІ-1967 йил. Тиражи 309000. Р—12237. Нашр. № А-3267.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Вирлашган нашриётининг босмахоҳаси.
Тошкент—1967.



КУЗ
ЛИБОСЛАРИ



